



Янги Ўзбекистон мактаб остонасидан бошланади ХАЛҚИМИЗНИНГ ФАРОВОН ҲАЁТ КЕЧИРИШИ ТАЪЛИМ ИСЛОҲОТЛАРИГА БОҒЛИҚ



Мамлакатимиздаги жуда кўп муаммолар кадрлар масаласига бориб тақалади.

Шу йилнинг 30 октябрь куни Президентимиз раислигида мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, илм-фан соҳаси ривожини жадаллаштириш масалалари муҳокамаи бўйича

ўтказилган видеоселектор йиғилишида мамлакатимизнинг бугуни ва яқин келажаги учун энг долзарб бўлган айти масала муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари йиғилишда мактабгача, умумий ўрта ва олий таълим, илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятида сифат ўзгаришлари рўй

бераётганини, узлуксиз ўқув-тарбия жараёнининг ушбу уч йўналишини интеграциялаштириш олдимизда турган муҳим вазифа эканини таъкидлади.

Бугун жаҳонда ўз сўзига эга бўлган, ривожланган давлатлар қаторига кирадиган мамлакатларнинг яқин тарихига назар ташласак, уларда таълим тизимини ислоҳ қилиш, сифатли ва рақобатбардош кадрлар тайёрлашга устувор вазифа сифатида қараш анъанаси шаклланишига гувоҳ бўламиз. Тан олиш лозимки, ҳозир таълим сифати объектив ва субъектив масалалар сабаб қониқарсиз даражага тушиб қолган. Бу муаммолар кеча пайдо бўлгани йўқ, узок йиллик эътиборсизлик, институционал хатоликларнинг меваси.

Давоми 2-бетда

Коррупциясиз келажақ сари

ПАРЛАМЕНТ ВА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ КУЧАЙТИРИШ — КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШДА МУҲИМ ҚУРОЛ

Жаҳон банки маълумотлари-га кўра, ҳар йили дунё миқёсида бир триллион доллар миқдорида маблаг мақсадсиз ишлатилади, яъни исроф қилинади. Бу пулларнинг аксарият қисми айнан коррупция билан боғлиқ. Умуман, ушбу иллат бевосита мамлакат бойлиги камайиши ва аҳоли турмуш фаровонлиги пасайишига олиб келади. Гарчи кундалик ҳаётимизда ҳар доим дуч келмасак-да, у ҳаммамизга таъсир кўрсатади. Хусусан, коррупция тadbirkorlik ривожига халал беради, чунки бизнес по-

рахўрликка асосланган тизимда ривожлана олмайди. Бу эса мамлакатнинг умумий фаровонлиги пасайишига олиб келади. Коррупция таъсирида давлат меҳнаткашларга тўлаши лозим бўлган маблағлар миқдори камайд. Ижтимоий хизматлар кўрсатишга ажратилаётган пуллар мактаблар, шифохоналар, йўллар, оқова сув тармоқлари ва бошқа эҳтиёжларга тегишли сарфланмайдиган ва хизматлар сифати пасаяди.

Давоми 2-бетда

Янги Ўзбекистон — дунё нигоҳида

ЎЗБЕКИСТОН ВА ҲИНДИСТОН ТАДБИРКОРЛАРИ ЎРТАСИДАГИ АЛОҚАЛАР ЯНАДА ФАОЛЛАШАДИ

Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасида савдо-иқтисодий ва инвестиция соҳаларидаги ҳамкорлик кўламини кенгайтириш бўйича олиб борилаётган ишлар доирасида мамлакатимизнинг Деҳлидаги элчихонасида “Ҳиндистон-МДХ” савдо-саноат палатаси президенти Жиотсана Чоудхри билан музокара ўтказилди.

Тадбирда икки мамлакат тadbirkorlari ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларининг кун сайин ривожланиб бораётгани, ўз навбатида, савдо-иқтисодий муносабатлар кўламининг кенгайишига хизмат қилаётгани таъкидланди. Бу борада Ўзбекистон ва Ҳиндистондаги савдо-саноат палаталари, тadbirkorlar ва ишбилармон-

махсулотлари бўйича батафсил тижорат таклифлари етказилди.

Ҳиндистон савдо-саноат палатаси ўзбекистонлик ҳамкорлар билан яқин алоқаларни ривожлантириш, онлайн мулоқотлар ўтказиш билан биргаликда, ҳар икки мамлакат ҳудудларида қўшма бизнес форумлар, кўргазмалар ташкил этишга қизиқиш билдирди. Бу борада яқин кунларда Ўзбекистон экспортчилари уюшмаси билан тўғридан-тўғри музокара-лар ўтказиш ва расмий ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш бўйича келишувга эришилди.

“Дунё” АА

Деҳли

Шароф Рашидов таваллудининг 103 йиллигига

Шароф Рашидов номини ўзбек халқининг тарихидан, ҳаётидан айри тасаввур қилиб бўлмайди. Шароф Рашидов ўз халқига ва Ватанига фидойи фарзанд эди.

Шавкат МИРЗИЁЕВ
Ўзбекистон Республикаси Президенти



ШАРАФЛИ УМР

Сайёра ТҲҲИЕВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси

ДИЛ АМРИ

Она юрт деймиз, она эл деймиз, она Ватан деймиз, дунёда неки муқаддас нарса бўлса, онанинг азиз номи билан қўшиб айтаемиз. Она меҳрининг муқаддаслиги, беқиёслиги ҳам шундадир эҳтимол. Она юрт равнақи, фаровонлиги, она Ватан тараққиёти йўлида фидойилик кўрсатган инсонларнинг номларини эса халқ доимо ҳурмат ва эъзоз билан эслайди. Шароф Рашидов номини тилга олганда миллионлаб юртдошларимизнинг қалбидан тилига катта бир меҳр қалқиб чиқади. Бу самимий меҳр, самимий ёдномалар замирида фидойи раҳ-

бар ва ҳассос ёзувчининг катта заҳмати, инсоний фазилатлари мужассамдир.

Бундан уч йил илгари Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги қарорига кўра “Халқимизнинг буюқ фарзанди” номли хотира китобининг нашр қилингани, Жиззах вилоятининг Жиззах туманига Шароф Рашидов номи берилгани, ушбу туманда адиб номидаги мемориал уй-музеий ташкил этилгани, адабнинг “Сайланма” китоби кўп минг нусхада нашр этилгани давлат раҳбари олиб бораётган адолатли, халқчил сиёсатнинг ифодаси бўлди.

Давоми 3-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Яширин иқтисодиётни қисқартириш ва солиқ органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони қабул қилинди



Фармонга мувофиқ, 2021 йил 1 январдан:



2022 йил 1 январгача умумий овқатланиш соҳасидаги кичик тadbirkorlik субъектларининг банк карталари ва контактсиз тўловлардан фойдаланган ҳолда жисмоний шахслардан олинган даромадлари умум белгиланган солиқларни тўлашга мажбурий тартибда ўтиш мақсадида умумий даромадга киритилмаслиги тартиби жорий этилади;



риэлторлик фаолияти билан шуғулланувчи шахслар учун айланмадан олинadigan солиқ ставкаси **25** фоиздан **13** фоизгача пасайтирилади;



қурилиш корхоналарига меҳнатга ҳақ тўлаш фонди жами миқдорининг **10** фоиздан олмаган ҳажмда (ижтимоий солиқ суммасини ҳисобга олмаганда) иш ҳақини нақд пулда тўлаш ҳуқуқи билан шартнома тузмасдан ишчилар ёллашга рухсат берилади.



Фармон билан Яширин иқтисодиётни қисқартириш бўйича махсус комиссия ва ҳудудий комиссиялар ташкил этилди.



Солиқ режимини соддалаштириш ҳамда нақдсиз тўловларни кенгайтириш чораларини кўриш Комиссиясининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.



2020 йилда республиканинг барча ҳудудидида онлайн касса машиналарининг чекларида акс эттирилган QR-код ёки фискал белги асосида совринли ўйинларни ўтказиш амалга оширилади.



Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги таркибида Яширин иқтисодиётни таҳлил қилиш бошқармаси, Давлат солиқ қўмитаси таркибида Солиқ назорати департаменти ташкил этилди.

2020 йил 1 ноябрдан давлат солиқ хизмати органлари бошқарув ходимлари сони **10** фоиз қисқартирилади.



Давлат солиқ хизмати ва божхона хизмати органларининг мансабдор шахслари назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан текширувларни ўтказиш учун ҳафтасига **16** иш соатидан кўп бўлмаган муддатга жалб қилиниши мумкин.

Янги Ўзбекистон мактаб остонасидан бошланади

ХАЛҚИМИЗНИНГ ФАРОВОН ҲАЁТ
КЕЧИРИШИ ТАЪЛИМ
ИСЛОҲОТЛАРИГА БОҒЛИҚ

Бошланиши 1-бетда



Акрам ЙЎЛДОШЕВ,
Андижон давлат
университети ректори

Сўнги кунларда юртимизда зиёлилар, олимлар, мамлакатимиз тақдирига бефарқ бўлмаган бошқа юртдошларимиз томонидан таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштириш, илм-фан соҳаси ривожини жадаллаштириш мақсадида ишлаб чиқилган Президент фармони лойиҳаси кенг муҳокама қилинмоқда. Ушбу фармон лойиҳаси билан мактаб таълими сифатини жайонгитиш ва ундаги маънавий муҳитни яхшилаш каби долзарб масалаларни ечиш учун аниқ йўналишлар белгилан берилмоқда.

Ушбу фармонни ҳаётга татбиқ этиш орқали биз малака ошириш тизими, ўқув стандартлари ва дастурлари, ўқув режаларини мактабгача таълим, мактаб таълими ҳамда олий таълим тизимларига мувофиқлаштириш имкониятига эга бўламиз. Аслида таълимнинг

пировард мақсади сифатли ва рақобатбардош кадр тайёрлаш экан, ушбу соҳаларнинг ўзича алоҳида йўналишдан бориши мантиққа тўғри келмас эди.

Йиғилишда мазкур муҳим вазифаларни ҳал этишда педагогика йўналишидаги университет ва институтларнинг иштироки масаласига алоҳида урғу берилди. Бу олий таълим муассасалари жамоалари зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Жумладан, Андижон давлат университетининг методист олимлари ҳам ушбу жараёнда иштирок этиб, педагог кадрлар тайёрлаш методикаси соҳасига янгилаш ёндашувларни таклиф этишни мақсад қилган.

Бундан ташқари, математика, физика, кимё, биология ва информатика фанлари бўйича университетимизнинг салоҳияти юқори. Ушбу йўналишлар бўйича илмий изланиш олиб бораётган ўнга яқин фан доктори, ўттиздан ортиқ фан номзоди, эллиқдан ортиқ ёш тадқиқотчи орасида хорижий мамлакатлар бўйича таълим муассасалари етакчи олимлари билан ҳамкорлик қилаётганлар ҳам талайгина. Жумладан, ўтган йили ёш тадқиқотчилардан Иқболжон Каримов Испанияда математика бўйича, бу йил информатика кафедраси ёш ўқитувчиси Дониёрбек Аҳмадалиев Хитойнинг Northeast Normal университетидида "Таълимни боқариш тизимларида мослашувчан контентни етказиб бериш бўйича тадқиқотлар: фойдаланувчи учун афзалликлар ва билим даражасига эътибор қаратиш" мавзусида докторлик диссертациясини ёқлади.

Хозирги кунда университетимиз ҳузурида ташкил этилган, лойиҳа қиймати 6 миллиард сўмга тенг бўлган Таржимонлик ва луғатшунослик маркази ҳам йиғилишда белгиланган вазифаларни бажаришда муҳим қадам бўлмоқда. Ушбу марказ олдида қўйилган энг муҳим мақсад чет эллардаги илғор дарсликларни, илмий мақола ва тадқиқотларни ўрганиб, уларни ўзбек тилига таржима қилишдан иборат. Марказ фаолиятига университет профессор-ўқитувчилари кенг жалб этилади.

Фармон лойиҳасига кўра, ахборот-ресурс

марказлари базасида мавжуд адабиёт, дарслик, ўқув-услубий ва бошқа қўлланмалар рақамли форматга ўтказилиб, уларнинг электрон платформаси шакллантирилиши ҳамда улар бўйича рақамли ягона ахборот қидирув тизими жорий этилиши кўзда тутилмоқда. Бу олий таълим сифатини том маънода янги босқичга олиб чиқади.

Меъёрий ҳужжат қабул қилиниши орқали ёш тадқиқотчиларни етук олимларга бириктириш, уларни хорижий мамлакатларга ўқ-олти ойлик стажировкага юбориш, магистратура ва докторантура қабул квоталарини босқичма-босқич ошириш, илмий ишларни тижорийлаштириш бўйича муҳим масалалар ўз ечимини топади, илмий лабораториялар фаолияти яхшиланади.

Жаҳон тажрибасига қарайдиган бўлсак, университетлар мамлакат илмий тараққиётининг хабиға айланганини кўрамыз. Иқтисодиёт учун зарур ишланма ва кашфиётлар университетлар ҳамда улар тузилмасидаги илмий-тадқиқот институтларида яратилди. Бунинг учун эса замонавий ускуналарга эга илмий-тадқиқот лабораториялари муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, Андижон вилоятида барча тадқиқотчилар учун умумий фойдаланишга мўлжалланган олий таълим муассасалариаро комплекс табиий фанлар илмий лабораториясини ташкил қилиш мақсадга мувофиқ. Лаборатория қурилиши ва жиҳозланиши учун зарур харажат миқдори орттирилган тўлов-шартнома маблағларидан тушган тушумнинг бир қисmini йўналтириш орқали қопланади. Бу Фарғона водийсида кимё, физика, биология каби табиий фанлар бўйича илмий-тадқиқотларни янги босқичга кўтарди.

Умуман олганда, мазкур фармон лойиҳаси таълим-тарбия тизимидаги бугун ҳал этилиши керак бўлган муҳим масалаларга мақбул ечим бўлиши аниқ. Бугун таълим соҳасини яхлит тизимга солмас, бу йўлда олдимизга мақсад ва вазифаларни тўғри қўя олмас эканми, эртага халқимиз учун фаровон ва тўқис ҳаётни таъминлай олмаймиз.

Коррупциясиз келажак сари

ПАРЛАМЕНТ ВА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ
КУЧАЙТИРИШ – КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ
КУРАШИШДА МУҲИМ ҚУРОЛ

Бошланиши 1-бетда



Наримон УМАРОВ,
Олий Мажлис Сенатининг
Суд-ҳуқуқ масалалари
ва коррупцияга қарши
курашиш қўмитаси раиси

Мутахассислар фикрича, коррупцияга қарши қатъий курашилганда давлат даромадлари истиқболда тўрт баробар ортади. Коррупция даражаси пасайтирилганда бизнес уч фойиз тезроқ ривожланади, аҳоли турмуш фаровонлиги ошади.

Айнан шу боис коррупцияга қарши аёвсиз кураш янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнининг дастлабки кунлариданоқ давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланди. Шуниси эътиборлики, коррупцияга қарши кураш мамлакат бошқаруви тизимининг такомиллашуви билан чамбарчас боғлиқ. Шу жиҳатдан сўнги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш жараёнлари коррупция даражасининг сезиларли пасайишига олиб келмоқда. Парламент фаолиятини кучайтириш борасидаги ўзгаришлар ҳам шулар жумласидан. Аслида бу йўналишда қўйилган қадамлар жуда муҳим. Чунки айнан парламент томонидан амалга оширилаётган назорат-таҳлил ва қонunchлик фаолияти бу каби иллатлар илдизига болта уришга бевосита хизмат қилади.

Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши кураш қўмитаси томонидан тегишли давлат органлари мансабдор шахсларининг жойларда коррупция қўрнинишлари намоён бўлишига олиб келадиган тизимли муаммолар ва коррупциянинг ҳолати тўғрисидаги ахборотларини эшитишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг ўтган даврида Хоразм ва Самарқанд вилоятларида халқ де-

путатлари вилоят кенгашлари билан бирга зшитув ўтказилган бўлса, куни кеча бундай тадбир Сирдарё вилоятида ҳам бўлиб ўтди.

Шуниси эътиборлики, вилоятда ҳудудий идоралар томонидан Президентимиз фармонлари билан тасдиқланган коррупцияга қарши курашиш бўйича 2017-2018 ва 2019-2020 йилларга мўлжалланган давлат дастурларига мувофиқ режалар ишлаб чиқилган ҳамда уларнинг ижросини таъминлаш чоралари қўрилган. Бу борада вилоятда қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида қатор ишлар амалга оширилган.

Хусусан, 2019 йил ва жорий йилнинг 9 ойида ҳудуддаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳалқимизда коррупцияга оид жиноятларни содир этган мансабдор шахсларга нисбатан жами 82 та жиноят иши қўзғатилган, шундан 80 нафар шахсга нисбатан 71 та жиноят иши судларга юборилган. Ушбу жиноятлар таҳлили коррупцияга айнаб қайси соҳаларда кўпроқ илдиз отганини аққол кўрсатиб турибди.

Жиноий жавобгарликка тортилган мансабдор шахсларнинг биттаси мансаб сохтакорлиги, 2 нафари фирибгарлик ва мансаб ваколати доирасидан четга чиқши, 7 нафари пора олиш, пора бериш ва пора олиш-беришда воситачилик қилиш, 58 нафари мол-мулкни ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-тарож қилиш жиноятларини содир этган.

Жавобгарликка тортилган мансабдор шахсларнинг макфеи таҳлил қилинганида уларнинг 82 нафари вилоят ва 68 нафари туман-шаҳар миқёсидаги тармоқларда фаолият юритиши маълум бўлган. Яъни қўрғиниб турибдики, коррупция айнан маҳаллий даражада кенг тарқалган.

2019 йил ва жорий йилнинг 9 ойида коррупцияга оид жиноятлар оқибатида давлат ва жамият манфаатларига етказилган зарарларнинг ундирилиши таъминланган.

Ҳудудий давлат органлари ва ташкилотларига фуқароларни ишга қабул қилишни ҳал қилиб бериш эвазига пора олиш ва фирибгарлик ҳолатлари — бу биз таҳлил қилаётган муаммонинг яна бир кенг тарқалган қўрғиниши. Сирдарё вилоятида ҳисобот даврида 16 нафар шахс айнан шу йўналишда жиноий жавобгарликка тортилган.

Бундан ташқари, олий таълим муассасаларига ўқишга киришиб қўйиш эвазига пора олиш ва фирибгарлик ҳолатлари юзасидан ҳисобот даврида 9 нафар шахс жиноий жавобгарликка тортилган.

Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш муаммони ҳал қилишнинг энг таъсирчан усули эканини амалиёт тас-

диклаб турибди. Шу мақсадда Сирдарё вилоятида ҳудудий давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан мингдан ортиқ учрашув, семинар ва давра сўхбати ўтказилиб, телевидение орқали 120 га яқин чиқиш қилинган. Уларда ушбу иллатнинг жамият ривожига қанчалик салбий таъсир кўрсатиши, билвосита ва бевосита оқибатлари ҳақида аудитория тушунадиган тилда, таъсирчан воситалар орқали маълумотлар етказилган.

Шу билан бирга, зшитув чоғида ҳудудий идоралар фаолиятида айрим камчиликлар ҳам мавжуд экани аниқланди.

Жумладан, давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциациясининг ҳудудий бўлилмаши, Фуқаролик жамиятини ривожлантириш марказининг Сирдарё вилояти ҳудудий бўлилмаши ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлар ўртасида коррупцияга қарши курашиш борасида ўзаро ҳамкорлиқни етарли даражада ўрнатиш ва коррупциянинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда ижтимоий шериклик механизмларидан кенг фойдаланилмаган.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини бевосита ижрочилар томонидан кенг жамоатчиликка етказишда вакиллик органлари билан тўлиқ ҳамкорлик ўрнатилмаган. Шунингдек, вилоятда ижтимоий сўровлар ва тадқиқотлар ўтказиш орқали коррупция хавфларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш учун зарур чоралар етарли даражада қўрилмаган.

Сирдарёда ўтказилган қўшма мажлисда ҳудудий идоралар ҳар бир соҳа ва йўналиш бўйича ўз фаолиятини танқидий таҳлил қилган ҳолда юзага келиши мумкин бўлган коррупциявий хатарларнинг олдини олиш ва иш самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиб, тасдиқлаши лозимлиги таъкидланди. Шунингдек, коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар ижроси юзасидан тизимли мониторинг юритишни йўлга қўйиш кераклиги ўқтирилди ва бу борада зарур чора-тадбирлар белгилан олди. Хусусан, халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари ва ҳудудлардан сайланган сенаторларнинг яқин ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш лозим.

Дарҳақиқат, коррупциянинг олдини олиш ва илдизи билан йўқ қилишнинг асосий омили давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг очикилигини таъминлаш, улар устидан жамоатчилик ва парламент назоратини кучайтиришдир. Бу йўналишда сенаторлар ва депутатлар фаолиятининг кучайтирилиши, тегишли идоралар билан ҳамкорлик самарадорлигининг оширилиши нафақат иллатни жиловлаш, балки мамлакатимизнинг халқаро рейтинглардаги ўрнини юксалтиришга ҳам хизмат қилади.

ҚИРҒИЗИСТОН БИЛАН ҲАМКОРЛИК
КЎЛАМИ ЯНАДА КЕНГАЯДИ

Қирғиз Республикаси ташқи ишлар вазири Руслан Казакбаев 5 ноябрь куни амалий ташриф билан Тошкентга келди.

Ташриф дастурига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазириликда икки давлат ташқи сиёсат идоралари раҳбарлари Абдулазиз Комилов ва Руслан Казакбаевнинг учрашуви бўлиб ўтди.

Музокара чоғида сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестиция, транспорт-коммуникация, сув ҳўжа ва маданий-гуманитар соҳаларда Ўзбекистон — Қирғизистон ҳамкорлигининг жорий ҳолати ва муносабатларни янада ривожлантириш истиқболли муҳокама қилинди.

Вазирлар кўп томонлама тузилмалар доирасидаги ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш, шунингдек, минтақавий ва халқаро кўн тартибига доир қатор масалаларга алоҳида урғу берди. Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорлиқнинг ижобий суръатини сақлаб қолишдан икки томон ҳам бирдек манфаатдор экани эътироф этилди.

Мулоқот давомида коронавирус тарқалишига

қарши курашиш ва пандемиянинг Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги муносабатларга таъсирини имкон даражасида юмшатиш бўйича биригикдаги саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш тўғрисида ҳам фикр алмашилди.

ТИВ раҳбарлари икки томонлама тадбирларни давом эттириш, жумладан, Ўзбекистон — Қирғизистон Ҳўкуматларо комиссиясининг ва икки мамлакат чегара олди вилоятлари ҳўқимлари, (ваколатли вакиллари) кенгашининг навбатдаги йиғилишларини ўтказиш муҳимлигини таъкидлади.

Олий ва қўри даражадаги илгари эришилган келишувларга содиқлик тасдиқланди. Ўзбекистон Республикаси ва Қирғиз Республикаси ўртасидаги стратегик шериклик ва кўп қиррали ҳамкорлиқни янада мустаҳкамлаш зарурлиги қайд этилди.

Учрашув якуни бўйича Қўшма баёнот қабул қилинди.

Қирғиз Республикаси ташқи ишлар вазири Руслан Казакбаев шу куни Инвестициялар ва ташқи савдо вазириликда ҳам учрашув ўтказди.

Ғайрат ХОННАЗАРОВ,
Ўза муҳбири

Янгила ёндашувлар

НАТИЖАДОРЛИК —
БОШ МЕЗОН



Алишер ЗРАНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳўкуматидаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги департаменти мудири ўринбосари

Мамлакатлар ўртасида кескин рақобат юзага келган ҳўзирги даврда тезкорлик билан ўзгариб бораётган янги шaroитларга мослашувчан, олдида қўйилган масалаларни тезкор ва сифатли ҳал этишга қодир давлат хизмати аппаратини ташкил этиш ҳамда бу борада муваффақиятга эришиш муайян давлатнинг халқаро майдондаги рақобатбардошлигини белгилаб беради.

Бирок ижро ҳўқимияти тизимида амалда давлат хизматчилари фаолияти самарадорлигини белгилловчи мезонларнинг мавжуд эмаслиги, баҳолашнинг аниқ механизмлари йўқлиги ҳамда уларни лавозим бўйича ўстириш, рағбатлантириш ва интисомий жавобгарликка тортишнинг комплекс баҳолаш тизимига асосланмагани давлат хизматчиларини натижадорликка йўналтириш имконини бермапти. Президентимиз Олий Мажлисга Муржаатномасида давлат бошқарувида самарадорлиқни ошириш мақсадида давлат хизматчилари фаолиятини ҳолисона баҳолаш бўйича самарали тизим жорий этиш зарурлиги ҳамда натижадорлик ҳаммамиз учун бош талаб, асосий мезон эканини алоҳида таъкидлаган эди.

Муржаатномада белгилаб берилган вазифаларни бажариш ҳамда ҳудуд раҳбарлари фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳўзуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги томонидан республиканинг 12 та туман (шаҳар) ҳўқимлиги раҳбарлари фаолиятини 73 та энг муҳим самарадорлик кўрсаткичи (ЭМСК, КРП) асосида баҳолаш тизими эксперимент тартибида йўлга қўйилиб, уларнинг рейтингни шакллантирилмоқда.

Шу билан бирга, туман (шаҳар) ҳўқимлари ва уларнинг ўринбосарлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимининг мавжуд эмаслиги маҳаллий ижроия органлари имкониятларининг тўлиқ сафарбар этилмаслигига олиб келаётгани қайда этилди.

ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИ
ФАОЛИЯТИНИ
БАҲОЛАШ ТИЗИМИ

Жорий йилнинг 9 ойи якунлари таҳлилига кўра, ЭМСК бўйича ҳўқим ва унинг ўринбосарлари фаолияти Янгийўл шаҳрида "аъло", Ҳўзорасп, Чортоқ туманлари ва Ҳонобод шаҳрида "яхши" ҳамда Янгийўл тумани ва Урганч шаҳрида "паст" даражада деб топилди. Баҳолаш натижалари асосида ҳўқимликларга орқада қолаётган кўрсаткичларни аниқлаш ҳамда кейинги чораларда уларни яхшилаш бўйича "йўл хариталари" ишлаб чиқилиб, фаолиятини аниқ режалаштириш имконияти яратилди.

Хусусан, Урганч шаҳрида даромад солиғи тўловчи фуқаролар сони 2 145 нафарга оширилиши белгиланган бўлиб, ҳисобот даври якунларига асосан, мазкур кўрсаткич кўпайиш ўрнига йил бошидагига нисбатан 8 260 нафарга камайиб кетган. Янгийўл, Бўстон, Янги-арик, Янгибозор, Ҳўзорасп туманлари ва Қўқон, Ҳонобод, Янгийўл шаҳарларида ҳам даромад солиғи тўловчи фуқаролар сони йил бошидагига нисбатан камайган.

Кўрсаткичлар таҳлили пандемия шaroитида асаркят қорхоналар ўз фаолиятини вақтинчалик тўхтатгани сабабли даромад солиғи тўловчилар сони кескин тушганини кўрсатди. Жумладан, республика бўйича жорий йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, даромад солиғи тўловчилар (расмий бандлар) 4 702 440 нафарни ташкил этган бўлса, пандемия шaroитида жорий йилнинг июлида эса мазкур ракам 4 282 900 га тушиб, даромад солиғи тўловчилар сони 419 540 нафарга қисқарган (шундан 190 787 нафари аёллар, 86 639 нафари ёшлар).

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

Эксперимент давомидида кузатишлар туман (шаҳар) ҳўқимлари ўринбосарлари учун ҳисобот даврида эришилши лозим бўлган прогноз кўрсаткичлар аввалдан белгилаб берилган тақдирда, улар томонидан аниқ режалаштирилган тадбирлар асосида тегишли самарадорлик кўрсаткичларига эришиш имконияти бир неча баробар ошишини кўрсатди. Айтайлик, Янгийўл шаҳри ҳўқимининг рейтингни биринчи чорақда 61,5 фойизни

ташкил этган бўлса, 9 ой якуни бўйича 100,2 фойизгача кўтарилди.

Қайд қилиш лозимки, самарадорлиқни баҳолаш тизимлари асаркят ривожланган давлатларда жорий этилган ҳамда амалда давлат хизматчилари натижадорлигини оширишга хизмат қилмоқда. Хусусан, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига аъзо 30 дан ортиқ давлатда (АҚШ, Франция, Австрия, Япония, Жанубий Корея ва бошқалар) самарадорлиқни баҳолаш тизимлари орқали ижобий натижаларга эришилмоқда.

Агентлик томонидан давлат хизматида самарадорлиқни баҳолашда замонавий менежмент усулларини жорий этиш борасида бир қатор хорижий давлатлар тажрибаси ўрганилди. Шу билан бирга, БМТТД, ЕХҚТ, Германиянинг GIZ ва IRZ, Корея Республикаси Ходимларни бошқариш ва кадрлар билан ишлаш вазирилиги, Буюк Британиянинг ГРП, Япониянинг JICA, Россия Федерацияси Президенти ҳўзуридаги халқ ҳўқалиғи ва давлат хизмати Россия академияси, Қозоғистон Республикаси Давлат хизмати агентлиги кабиларнинг экспертлари билан ҳамкорлик олиб борилди.

ҚАРОР ЛОЙИҲАСИДА НИМАЛАР
НАЗАРДА ТУТИЛГАН?

Ҳўқимликларда ўтказилган эксперимент натижалари ва хорижий давлатлар тажрибаси асосида агентлик томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳўқимликларда раҳбарлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш бўйича мутлақ янги тизимни жорий этишни назарда тутувчи "Маҳаллий ижроия ҳўқимияти органлари фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Лойиҳани ишлаб чиқишда ўтказилган таҳлиллар давомида ҳўқимликларга улар фаолиятига хос бўлмаган ортиқча вазифа ва функциялар юклатилгани, ҳўқимликлар раҳбарлари фаолиятини баҳолаш бўйича ягона тизимнинг мавжуд эмаслиги, аниқ мезонлар ва индикаторларнинг белгиланмагани учун фаолиятининг натижадорлиги ва самарадорлигига салбий таъсир кўрсатаётгани аниқланди.

Шунга кўра, мазкур муаммоларни бартараф этиш мақсадида қарор лойиҳасида бир қатор чора-тадбирлар таклиф этилмоқда. Хусусан, туман (шаҳар) ҳўқимлари ва улар ўринбосарларига юклатилган вазифа ва функцияларнинг аниқ рўйхатини тасдиқлаш орқали республика давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижроия ҳўқимияти органлари ўртасида жавобгарлик доираси қатъий чегараланган.

Бундан ташқари, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги маҳаллий ҳўқимликлар фаолиятига хос бўлмаган 70 та вазифа ва функция тегишли давлат органларига ўтказиш орқали қийариб ташланмоқда. Вазифаларнинг умумий сони доирасида устуворларини аниқлаш ҳамда улар бўйича натижадорлиқни тавсифловчи энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (ЭМСК, КРП) белгиланиб, уларга эришиш натижаларини баҳолаш асосида ҳўқимлар ва уларнинг ўринбосарлари рейтингни шакллантирилди.

Йил якунлари бўйича "қўри", "аъло" ва "намунали" кўрсаткичларга эга бўлган маҳаллий ижроия ҳўқимияти органлари раҳбарлари бўйсунув тартибидида қўри турувчи орган томонидан лавозим бўйича ўсишини инобатга олган ҳолда раҳбар кадрлар захирасига киритилади.

МАҲАЛЛИЙ ҲОҚИМЛИКЛАР ЎРТАСИДА
СОҒЛОМ РАҚОБАТ ШАКЛЛАНАДИ

Жорий этилиши кутлалаётган баҳолаш тизимининг ўзига хос хусусияти шундаки, барча жараён ягона электрон платформа орқали кечиб, мазкур ҳўлат баҳолашнинг ҳолис амалга оширилиши ва инсон омилини камайтиришга хизмат қилади.

Қарорда назарда тутилган тадбирларнинг амалга оширилиши ва баҳолаш тизимининг амалда тўлиқ жорий этилиши маҳаллий ҳўқимликлар ўртасида соғлом рақобатнинг пайдо бўлишига ҳамда раҳбарларни натижадорликка йўналтиришга йўл очади. Ҳар бир ҳўқим ўринбосарининг вазифа ва функцияларини ягона ҳужжатда белгилаш ҳисобига уларнинг масъулият ва жавобгарлик доираси аниқ чегараланган.

Баҳолаш тизими бўйича электрон дастур яратилиши ҳисобига кўрсаткичларни ҳисоблаш автоматик тарзда амалга оширилади ҳамда мазкур жараёнда инсон омили камайишига эришилади. Натижадорлигига кўра қўри лавозимга тайинлаш амалиётини босқичма-босқич амалга ошириш орқали эса давлат фуқаролик хизматида меритократия принциплари жорий этилади.

ШАРАФЛИ УМР

 Бошланиши 1-бетда

Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Заҳириддин Мухаммад Бобур ижодини кунт билан мутолаа қилган, назм ва насрнинг беқиёс нафосатини чуқур англаган истеъдод соҳибининг ғалабага бағишланган илк китоби “Қаҳрим” шеърлар тўплами бўлса, биринчи публицистик мақолалар тўплами 1949 йилда “Тарих ҳукми” номи билан нашрдан чиққан эди.

Фидойи раҳбар ва адиб “Қизил Ўзбекистон” (ҳозирги “Ўзбекистон воқои”) газетасига бош муҳаррир, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига раис этиб сайланганида ҳам насрда, ҳам назмда инсон қалби, руҳий ҳолатини ўзига хос тасвирлашни олий мақсад деб билди.

Ёзувчининг биринчи қиссаси — “Ғолиблар” (1951) урушдан кейинги даврда ўзбек хонадонларига осойишталик инган, қимниндир боласи, қимнингдир отаси урушдан қайтмаган, айни меҳнат қизиган вақтларда ёзилди.

Асарнинг ёзилишига сабаб бўлган воқеалар ҳақида адиб бундай эслайди: “Узоқ йиллар мобайнида менинг тасаввуримда “Ғолиблар” қиссаси шаклланиб келди, университетнинг филология факультети талабаси бўлиб юрган чоғларимдаёқ ўз болалик таассуротларим ҳақида кўп ўйлардим. Кўз ўнгимда тоғ бағрига туташиб кетган қадрдон қишлоғим гавдаланарди. Бепоеъ чўл. Минглаб гектар ажойиб, унумдор ерлар сувсизликдан қараб ётарди. Фақат илк баҳорда қир-адирлар қип-қизил қизғалдоқ ва бинафшалар билан қопланарди. Сўнгра кунлар исизи билан кўешнинг яллиғи ернинг намширасини сўриб оларди-да, майсаларга ўтли нафасини сочиб, қовжиратиб кетарди. Ҳар бир қолхозчининг даштини ўзлаштириб, қувраб ётган бўғдойзорлар ўрнига пахтазорлар бунёд этиш орузси билан яшаётганликларининг шохиди бўлдим, айрим қолхозларда булоқларнинг кўзини очиб, тоғ этакларидаги қақроқ ерларни шу булоқ сувлари билан сугарётганликлари ҳақида менга сўзлаб беришган эди. Уларнинг бу ҳақдаги ҳикоялари мени ҳаяжонга солди ва мен ўзимнинг илк қиссамни шу мавзуда ёзишга аҳд қилдим”.

“Сув келтирган — элда азиз” мақолининг амалдаги исботи қиссанинг асосини ташкил қилади. Асарда тасвирланган Ойқиз, Олимжон, Лолоҳон, Ҳалим бобо образлари орқали янги ерларни ўзлаштириш, сув манбаини кўпайтириш, меҳнатта янги муносабат қирралари очилади.

Инсон табияти мураккаб, қанча оғир синовларга дуч келса, шунча тобланиб, янги марраларга қараб бўйлайверади. “Ғолиблар” асари қаҳрамони Ойқизнинг икки акаси Темуր ва Алишер урушдан қайтмайди, бу жудолиқни кўтаролмай онаси Холбиби дунёдан кўз юмади. Биргина суюнчиги — отаси Умуρзoқ ота билан урушга кетган Олимжоннинг саломат қайтишига умидвор Ойқиз меҳнати, Олтинсойнинг ғамда ҳам, байрамда ҳам бир-бирини қўллаб яшаган одамларининг келажакка бўлган ишончи, меҳнатидан завқ олиб, унумдор ерларни ўзлаштириш йўлидаги заҳмати романинг асосий мавзуси ҳисобланади.

Асар Ойқиз ва Олимжон тимсолида ўша даврларда ҳар бир жаҳхона алоҳида меҳнат зафарларига йўл топаётган ёшлар ва уларнинг ташаббусларига баҳолиқудрат елкадош бўлган ҳамқишлоқлари ҳаётидан, муҳими, ҳалол инсонларнинг заҳматли меҳнатидан чирой очаётган Олтинсой, Олтинсой тимсолида Ўзбекистон ҳаётидан сўзлайди.

Шу ўринда барчамиз учун қизик бўлган жиҳатга, яъни асар қаҳрамонлари, урушдан қайтмаган ака-укаларнинг исмларига эътибор қилсак.

АЛИШЕР ВА ТЕМУР!

Ўзбек халқининг шўро даврида номи ва фаолияти танқидга учраган, асарлари қатагон қилинган икки улуг фарзандининг номи асар қаҳрамонларига берилишида ҳам рамзий маъно бор. Алишер ва Темуρ урушдан қайтмайди! Бу ном соҳиби бўлган аждодларимизнинг шонли тарихи ва улар қолдирган мерос ҳам ўша пайтда халққа қайтмаган эди. Бундан кўриниб турибдики, ватанпарвар, миллатпарвар, катта қалб эгаси бўлган Шароф Рашидовнинг ҳақиқий нияти — халқ озодлигига эришишга интилиш ва қатъий ишонч эди.

Бундан бир неча йиллар муқаддам — мактабда ўқиган вақтларимизда она тили ўқитувчиси Инъомжон Каримов адабиёт дарсларида Шароф Рашидовнинг 1958 йилда эълон қилинган “Бўрондан кучли” асари ҳақида жуда кўп қизиқарли ҳикояларни сўзлаб берарди. Бутўн синф — 32 нафар ўқувчининг бор вужуди қуллоққа айланарди, чунки ўша даврларда ушбу асарни бутўн Ўзбекистоннинг етти яшардан етмиш яшаригача мутолаа қилган эди. Ҳалол ва тўғри инсон ҳар қандай тўсиқни кучли саботи билан енга олиши, ҳаётнинг оғир зарбалари,

кутилмаган синовларига тоб бера олишини адабиёт муаллимимиз ҳаётий мисоллар билан таърифларди.

Янги очилган ерларда қум бўрони бошланиши, унинг талафотини камайтириш, қум бўрони нимжон ғўзаларни пайхон қилиши, бўронга қасдма-қасд мардонавор курашган қаҳрамонлар орқали ёзувчи инсон шижоати неларга қодирлигини бўй-басти билан намоеъ қилиши, меҳнатидан барака толган Ҳазрати Инсоннинг чўяндек метин иродаси, толмас саботи биз, ўқувчиларнинг ҳайратларига сабаб бўларди.

Шу учун ҳам “Бўрондан кучли” романи бутун умр синфдошларим қатори менга ҳам ўзгача таассурот берганди. Муаллимим таъкидлаган — “Яхшидан боғ қолади” дейилган ўзбекона ҳикматни бир туپ ўрикка меҳр қўйган Муроталининг чўлга кўчиб келиб, ҳовлисини ўрикзорга айлантиргани, “ўриқларим ҳали юз йил ҳосил қилади”, деб Ойқизга фахрланиб гапиргани, бир туپ бўлса ҳам дарахт экиб, уни ўрикзорга, чўлни бўстонга айлантиришдек савоб ишга бош қўшиб, меҳнатидан фахр туйган инсонлар ҳаёти чизгилари сира ёдимдан чиқмас дарс бўлиб қолган.

Бир донишманддан “Олтиндан қиммат нараса борми?” деб сўраганларида, донишманд “Дўстлик”, деб жавоб берган экан. “Пўлатдан ҳам мустаҳкам нараса борми?” деб сўраганларида, у яна “Дўстлик”, дебди. “Бўрондан ҳам кучли нараса борми?” деб сўраганларида ҳам “Дўстлик бўрондан ҳам кучлидир!” деб жавоб берган экан. “Бўрондан кучли” романидаги Ҳалим бобонинг ана шу сўзларида ҳаёт тўлқини илҳомлантирган кишиларнинг ғоявий, маънавий бирлиги, пўлатдан ҳам мустаҳкам дўстлиги ўз аксини толган.

“Бўрондан кучли” романи орқали мен адабиёт инсонни тафаккур қилишга, яхшилиқ излашга, меҳнат инсонни юзага чиқаришини англашга, тўғрилик ва ҳалол йўл билан ҳар қандай бўронни енга олишга ундашини тушунганман.

Бу бир китобни ўттиз икки ўқувчи бир бўлиб ўқиган ўқувчилик пайтимдаги хулосаларим эди.

1964 йилда ёзилган “Қудратли тўлқин” романи уруш йилларида фронтдан олсидга, фронт ортидаги ўзбеклар шижоатини тасвирлайди. Ушбу романинг яратилиши ҳусусида Шароф Рашидов “Дружба народов” журнали саволларига бундай жавоб беради: “Бундан анча йиллар бурун ҳали ёшгина журналист бўлиб юрган чоғларимда мен мана шундай қурилишлардан бирида ишлашга муассар бўлган эдим. Бу машҳур Фарҳод ГЭСи эди. Қурилиш менда жуда қайноқ ва ёрқин таассуротлар қолдирган. Лекин адабиёт даргоҳига келиб, эндигина қалам тебрата бошлаган чоғимда мен анчагача бу мавзуни ёритишга журъат қилолмай юрдим. Мен жуда кўп ҳаётий материаллар йиққан эдим, лекин бу ранг-баранг материалларни тартибга солишга қийналардим. Ушанда афтидан мен ҳали материални бадийий ўзлаштиришнинг қор жойини толмаган эдим, қор жойи топилмаганидан шу материал энг муҳимларини, асар учун типик ҳодисаларни ажратиб ололмас, материалларни уюштириб берадиган сюжет чизикларини яхши англамас эдим. Фақат анча йиллар ўтибгина мен ўзимдаги бу журъатсизликни енгиб ўтдим, ўша ҳаёт ҳодисаларига диққат билан қайта назар ташладим, кўз ўнгимда фактлар, воқеалар, одамлар, уларнинг хатти-ҳаракатлари, қиёфалари бошқача бир тарзда жонлана бошлади. Хотирамда чуқур ўрнашиб қолган мана шу хотираларнинг бири кўп ўтмай “Қудратли тўлқин” номли романимнинг мундарижасини белгилаб берди”.

Оддий ўзбек йигити Пўлатнинг бошидан ўтган кечинмалар, унинг Фарҳод ГЭСи қурилишидаги шижоати, Пўлат ва Баҳор образларидаги тоза муҳаббат, улар руҳидаги қатъият ва дадиллик асарда бўрттириб кўрсатилади. Ёзувчининг “Ғолиблар”, “Бўрондан кучли” романларидаги Олимжон, Ойқиз, Жўрабоев, Умуρзoқ ота образларининг яқдйлиги, ҳеч қандай қийинчиликларга бўй бермаслигининг мантқийй давомини “Қудратли тўлқин”да кўриш мумкин.

“Қудратли тўлқин” урушининг аёвсиз даврали — 1943 йилдаги воқеаларни ўз ичига олади. Ватан озодлиги учун урушда жон олиб, жон бераётганларга озиқ-овқат етказиш учун ўзида куч топаётган халқнинг, фронт учун, фронтдаги ғалаба учун яшаётган халқнинг қаҳрамонликлари акс эттирилади бу асарда. “Ғолиблар”да Ойқиз Олимжонни фронтга боришга ундаганидек, “Қудратли тўлқин”да отаси Ҳайдар Содиковдек фронтда душман билан беллашишни орзу қилган Пўлатнинг мақсадини Баҳор қўллаб-қувватлайди. Пўлат отасининг фронтдан ёзган хатларини ўқиб “Жасорат ёш танламайди!” деган фикр билан унинг ёнига ошқайди. Игитнинг кўнглида доим бир гап бўлади: “Ота, мен сизга муносиб ўғил бўламан!”

Шароф Рашидовнинг ҳар бир асарида инсон ва унинг муаммолари, муносабатлар ва зиддиятлар орқали инсон характери, самимий ва камтарин қишлоқ кишилари ҳаёти акс эттирилади.

“Қашмир қўшиғи” асари Шароф Рашидовнинг қалб дафтери бўлган. Адиб ҳаёт вақтида бу асар ўнлаб тилларга таржима қилинган. Қиссасининг афсонавий қаҳрамонлари — асаларилар шоҳи Бамбур, гуллар маликаси Наргиз ижобий образлар рамзи бўлса, уларга қарши турувчи Бўрон, зараркунанда Ҳорут салбий образ сифатида тасвирланади. Энг қизиги, Бамбур билан Наргиз тарафида қушлар, гуллар, дов-дарахтлар, му-

Дарахт илдизсиз яшамаганидек, инсон ҳаётининг мазмуни бўлган илдиз ҳам Ватани ва халқи билан уйғун, бақамти тарзда камол топади. Насллар алмашаверади, вақт югурик, аммо Ватан деган, халқ деган илдиз яшайверади.



аттар ҳидлар, дил ришталари боғланиб туради, уларни ҳимоя қилади. Бўрон билан Ҳорутнинг измида шамол, вабо, изгирин ва чакмоқ каби салбий қиёфалар пайдо бўлади. Муаллиф юксак ҳаёлот парвозида қалам юритар экан, табиатнинг жонланиши, тилга кириши, яшаш учун курашдан иборат ҳаётбахш фаолиятни рамзий маънода қиссага сингдиради. Профессор Ҳотам Умуров таъбири билан айтганда, “Қашмир қўшиғи” ўз услубий табиатиға ва услубий маромига кўра, оҳангдор, жарангли, мазмундор асар эканини таърифлаб, асарда ҳинд куйларини ўзбек “Тановар”ининг оҳанги уйғунлигини эътироф этади”.

Шароф Рашидовнинг “Қамолот” киноқиссаси 1960 йилда ёзилди. Бениҳоя чўл барханлари узра янги ерлар очиш, қўриқ ерларни пахтазорга, экинзорга айлантириш йўлида заҳмат чеккан қўлуқварларнинг матонатли меҳнатининг самарасини қамолот чўққисига қиёслаган адиб Пўлат Каримов образи орқали ўша давр заҳматкашларининг ижодий портретини яратса, 1977-1982 йилларда ёзган “Дил амри” қиссаси Белорусиянинг тахминан уч юз хонадон яшайдиган Берёзовка қишлоғи аҳлининг қонли уруш шароитидаги яшаш тарзини, шу тупроқда мардонавор жанг қилган ўзбек жангчилари ҳаётини тасвирлайди.

Ватанини севмок, ватанпарвар бўлмок, тинч ва осуда ҳаёт учун курашмок ғалабага борадиган ягона йўл эканини асар қаҳрамонлари мисолида кўриш мумкин.

Шароф Рашидов ўзи бошидан кечирган уруш суронларини, бир бурда нонга зор бўлиб дунёдан ўтган болалар қисмати, уруш вайроналарини, элу халқнинг юзига оёқ қўйиб, қилинган сотқинликларни ва уруш даврида эрта улғайган, зарур вақтда ўзлари худди катталардек қарор чиқара оладиган болалар ҳаётини мана шу асарида ўта моҳирона тасвирлайди.

1967 йилда ўзбек ва рус тилларида нашр этилган “Дўстлик байроғи” китоби унга катта шухрат келтирди. 1966 йилда Тошкентда содир бўлган дахшатли зилзила ва унинг оқибатларини бартараф этиш билан Шароф Рашидовнинг шижоату ғайрати олдида бош эгиш керак. Унинг укаси, машҳур таржимон Асил Рашидов ўз рисоласида тўғри қайд этганидек, “Ақамнинг яхшилиғию ёмонлиғини Холіқ ҳам, халқ ҳам билади. Унинг меҳнати ва заковати-дан эл-юрт баҳраманд бўлди. Лекин мушфиқ одамларимиз унинг яхшилиғини унутмаган экан. Меҳнаткаш эл-улус қалбига йўл топа олган, унинг дил-дилидан мустаҳкам ўрин олган экан Шароф акам.

...Хайрият, мана энди она Ватанимиз узра озодлик насими эсмоқда. Тоғдай армоним: қанийди, менинг акам ҳам тирик бўлса-ю, бугунги истиқлол диёрида ўз жонажон халқи, дўсту ёронлари қатори яшаса, эркин нафас олса...”

ЎЛКАМ, ОМОН БЎЛ!

Шароф Рашидовнинг шеърлари ҳам ўзига хос. 1938 йилда ёзган “Меҳнатим” мадҳияси инсоннинг ҳаётдаги эзгу мақсади ҳалол меҳнат, меҳнат бахт-саодатнинг манбаи экани, тугилиб ўсган заминнинг ҳар бир сарҳадини айнан меҳнату садоқат билан безамоқ ҳар бир юртдошимизнинг кўнгил амри бўлмоғи кераклигини эслатади:

Сен билан очдим кўзимни, сен билан бўлдим азиз, Сен билан қулдиб диёрим, сен билан турмуш лазиз, Сен билан олам ёруғ, сен бердинг менга нону лутуз, Ҳам гурурим, ҳам сурурим, ҳам хузурим меҳнатим.

“ҚАШМИР ҚЎШИҒИ” АСАРИ ШАРОФ РАШИДОВНИНГ ҚАЛБ ДАФТЕРИ БЎЛГАН. АДИБ ҲАЁТ ВАҚТИДА БУ АСАР ЎНЛАБ ТИЛЛАРГА ТАРЖИМА ҚИЛИНГАН. ҚИССАСИНИНГ АФСОНаВИЙ ҚАҲРАМОНЛАРИ – АСАЛАРИЛАР ШОҲИ БАМБУР, ГУЛЛАР МАЛИКАСИ НАРГИЗ ИЖОБИЙ ОБРАЗЛАР РАМЗИ БЎЛСА, УЛАРГА ҚАРШИ ТУРУВЧИ БЎРОН, ЗАРАРКУНАНДА ҲОРУТ САЛБИЙ ОБРАЗ СИФАТИДА ТАСВИРЛАНАДИ. ЭНГ ҚИЗИҒИ, БАМБУР БИЛАН НАРГИЗ ТАРАФИДА ҚУШЛАР, ГУЛЛАР, ДОВ-ДАРАХТЛАР, МУАТТАР ҲИДЛАР, ДИЛ РИШТАЛАРИ БОҒЛАНИБ ТУРАДИ, УЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛАДИ.

1939 йилда Асқад Мухтор билан ҳамкорликда ёзилган “Сув ва нур” достони ҳамда “Ватан” қасидасида дунёда инсон сув ва нурдай тоза ният билан шухрат топиши, бу инсоний бурч экани айтилади:

Бахтиёр кунларда улғайдим, ўсдим, Бошимни силади шу Ватан, дўстим, У билан диллар шод, кўнгли чин қушод, Қайноқ меҳри яшар дилда умрбод.

Фашистлар Ватанимизга бостириб қирган биринчи кунёёқ “Тарихнинг қаҳри-ла қайрадим қилч” шеъри яратилади:

Ғазаб қиличида элим қаҳри бор, Ғазаб қиличининг кескин захри бор, Юракда қасоснинг тошқин наҳри бор, Қиличим, қаҳримсан, ёега бўлгин ёе!

Ҳар бир сатр орқали, ҳар бир мисра орқали душманга бўлган кучли нафрат, ҳар кун и ўзбек хонадонларидан урушга жўнатилаётган навқирон йигитларга суюнч бўлиш, жигарбандини урушга кузатаётган онаизорларнинг дуолари, ғалабага катта ишонч “Қаҳрамон хотираси”, “Жангчи”, “Офарин”, “Белград қизи”, “Яшасин севги!” шеърлари ёзилишига туртки беради.

“Она насиҳати” шеъридан: **Номарб бўлиб кунда ўлгунча, Мард бўлгун-у Ватан деб ўлгин. Онанг қилган энг олий орзу — Жанг ичида қайта тугилгин.**

“Қашмир қўшиғи” асаридан олинган мана бу шеърни истеъдодли санъаткор Саодат Қўболова маромига етказиб ижро этган, бугунги кунда опа-сингилларимиз учун меҳр рамзига айланган:

Дугоналар, омонмисиз, бормисиз, Жам бўлишиб, очилиб, гулзормисиз? Ҳеч қандай куч бизни хазон этолмас, Бўрон, Ҳорут муродиға етолмас! Жам бўлишиб, очилиб, гулзормисиз, Дугоналар, бормисиз, омонмисиз!

Шароф Рашидовнинг асарлари ўзбек санъатининг ноёб дурдоналарида ҳам яшайди. Масалан, “Ёр-ёр” фильмида “Дугоналар” қўшиғи, “Чинор остидаги дуэль” киноасарида эса “Садо” ғуруҳининг “Ёр келур” қўшиғи берилди. Шароф Рашидов шеърларига бастанланган ушбу қўшиқлар ҳақиқий санъат даражасида қуйланган.

Ўзбекистон халқ артисти Фарруҳ Зокиров бир сўхбатда “Ўлкам, омон бўл!” шеъри тарихидан гапириб берганди: “Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров — Ботир акам Шароф Рашидовнинг “Ўлкам, омон бўл!” шеърини қўшиқ қилиб қуйладилар, муסיқасини мен ёздим. Репетицияларга касалхонадан қатнаб, шеърнинг ҳар бир сўзини ҳижжалаб ёдладилар ва қўшиқчи маромига етказиб қуйладилар. Бу қўшиқ акамнинг охириги қўшиқлари бўлди, акам қайтиб қўшиқ айтмадилар, айтолмадилар”.

Юксак иқтидор соҳиби бўлмиш Ботир Зокировнинг она юрти ва юртдошлари билан васият сифатида қуйлаган сўнгги қўшиғида бундай сатрлар бор эди :

Оламаз эрк байроғи, Қалбим севган маёғи, Иқболимнинг чироғи, Ўлкам, омон бўл!

ИФТИХОР

Буюк аллома Замаҳшарийнинг **Мартабанеу улугўлқ отангандир, Меҳрибонпиеу мушфиқлиқ онангандир,**

деган ҳикматли сўзларида фарзанднинг камтару меҳнаткаш бўлиб вояга етмоғида ота-онанинг биринчи ибрат мактаби бўлиши назарда тутилади. Бу жиҳатдан Шароф Рашидов ижоду меҳнатнинг долзарб паллаларида ҳам

болалари ўқийдиган мактабдаги, ота-оналар йиғилишига қатнашишга вақт топгани, фарзандларининг китоб мутолаа қилишида алоҳида эътибор қаратгани, уларнинг илмий иш билан шуғулланишларини алоҳида рағбат билан маъқуллагани чинакам зиёли оиланинг намунали дарсхона эканидан дарак беради.

Узи урушда ярадор бўлиб қайтган адиб Россиянинг Истра дарёси бўйларига фарзандларини олиб бориб: “Тинчлик учун курашган жойларимда мен бахт нималигини, тинчлик нималигини англаганман”, дея сўзлаб берганларини фарзандлари ҳали-ҳануз ҳаяжон билан эсलाшади.

Оилавий қадриятларни асосий мезон деб ҳисоблайдиган бу хонадонда ота-онанинг шарофли умр йўли камтарин ва самимий фарзандлар учун ибрат дарсхонаси бўлгани ҳақ. Бу шундай дарсхонаки, муаллими — шоғирдинг, шоғирди — устозинг. Бу шундай ибодатхонаки, қибласи нигоҳлардир. Раҳнамоси — кўнгил! Бу шундай кемаки, ташлаб қочиб кетолмайсан, кетганлар бебаҳтдир! Бу шундай кўрғонки, посбони ҳам, хизматкори ҳам қадрдон. Бу ердан толганингни ҳеч қайдан тополмайсан, чунки бу — шундай сирли хазина. Бу ерда чеккан заҳматингнинг малҳами ҳам топилур, бу — шундай шифохона. Бунинг номи — оила!

Академик Сайёра Рашидованинг оилаларида оилавий анъаналаридан энг муқаддаси биринчи ўринда китобхонлик бўлгани, оналари Хурсаной аянинг кечга яқин барча фарзандларига энг оҳорли кийимларни қийдириб, оталарини қутиб олишга тайёрлаганлари ҳам, оила бошлиғи—отани байрамона қарши олишлари ҳам ана шу дарсхонанинг ибратли дарсидир.

Қорақалпоғистонлик давлат ва жамоат арбоби Қаллибек Камолов ўзининг “Ел ҳизметинде” китобида ўзбек ва қорақалпоқ аслида бир илдиздан ўсиб чиққан икки дарахт экани ҳақида ёзади. Қорақалпоғистонда адабиёт ва маърифат ривожига Шароф Рашидов нийҳатда катта ҳисса қўшгани, масалан, 30 номдаги китобни чоп этса олмайдиган Қорақалпоғистон наشريётининг йилига 300 хил китобни нашр қиладиган катта корхонага айланишига ёрдам берганини ҳақида таъкидлайди.

Муаллиф ушбу китобда: “Бутун қорақалпоқ эли номидан фахр билан айтаманки, бу улуг инсоннинг Қорақалпоғистоннинг нафақат адабиётӣ, санъати, маънавияти, балки бошқа қатор соҳаларининг тараққиётида ҳам шонли меҳнати, катта ҳиссаси бор”, дея алоҳида сўз айтади. Ўзбекистон Қаҳрамони Марат Зокировнинг ҳаяжон ва ифтихор билан сўзлаган сўзлари эса бутун ўзбекистонликларнинг юрагидаги ифтихор бўлиб янтрайди:

“Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг отасига раҳмат! Улуг инсоннинг ҳурматини жойига қўйиб, болаларимиз учун ўрнат ҳаётини яна бир қарра халққа кўрсатди. Шароф Рашидов истеъдодли ёзувчигина эмас, истеъдодли, фидойи раҳбар ҳам эди. Мирзачўл, Қарши, Жиззах, Ёзёвон, Сурхон-Шеробод чўлларининг катта қисми ўзлаштирилиши, мамлакатимиз харитасида Навоий, Зарафшон, Янгиер, Гулистон, Олтинсой каби ўнлаб шаҳар ва туманларнинг пайдо бўлиши Шароф Рашидов номи билан боғлиқ.

1966 йилнинг 26 апрели тонгида Тошкент ярим вайронага айланган, қиска муддат ичида қайта тикланган, мухташам ер ости йўли ҳисобланмиш Тошкент метрополитени ишга туширилгани, “Халқлар дўстлиғи” саройининг қурилиши, 800 километрдан орტიқ бетон қопламали Тошкент-Термиз автомобиль йўлининг барпо этилгани, барандлиқги 375 метрдан юқори бўлган ва ўша даврда собиқ иттифокда Останкинодан кейинги ўринда турадиган Тошкент телеминарасининг қурилгани бевосита Шароф Рашидовнинг номи билан боғлиқ.

Катта иқтидор ва оловқалб эгаси бўлган бу инсоннинг оқ ёшлик юбилейини ўтказиб, меҳнатини эъзозлаш, ҳурматини жойига қўйиш учун жуда олижаноб ва шижоатли юрак керак. Мана шунинг учун биз, нурунийлар Президентимиз Шавкат Миромоновични эплу юртнинг бахтига саломат бўлсинлар деб дуо қиламиз!”

Ха, инсонни улугўлайдиган энг улуг неъмат, шубҳасиз, унинг ортидан янграб тураверадиган хотиралардир. Бусиз одамзод ҳаётидан нур кетган ҳолда, мазмунсиз бир бўлиқда қолар эди. Дарахт илдизсиз яшамаганидек, инсон ҳаётининг мазмуни бўлган илдиз ҳам Ватани ва халқи билан уйғун, бақамти тарзда камол топади. Насллар алмашаверади, вақт югурик, аммо Ватан деган, халқ деган илдиз яшайверади.

Шароф Рашидов халқимиз қалбида, авлодлар хотирасида, миллат ва мамлакат тарихида ёрқин сиймо, ўз умрини она халқига бахш этган буюк инсон сифатида қолади. Ҳаёт чархпалакдек айланган сари бу хотира янада тиниклашиб, теранлашиб бораверади.



Суд-ҳуқуқ соҳасини ривожлантириш, судлар мустакилигини таъминлаш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, жамиятда адолат тамойилларини қарор топтиришда муҳим омил бўлаётир. Президентимизнинг “Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу йўналишдаги ишлар кўламини кенгайтиришда муҳим дастуруламал бўлмоқда.

СУД—ҲУҚУҚ СОҲАСИДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

ҚУЛАЙЛИК, ТЕЗҚОРЛИК ВА САМАРАДОРЛИК ОМИЛИ

Сухроб ТОЛИПОВ,
Миробод тумани
маъмурий суди судьяси
Дилмурод ЖУРАЕВ,
судья ёрдамчиси

Айни пайтда мазкур қарор ижросини таъминлаш борасида тизимли ишлар амалга оширилаётир. Мисол учун, Олий суднинг my.sud.uz интерактив хизматлари порталида судларга масофадан туриб электрон мурожаат қилиш, суд мажлисларида видеоконференцалоқа тизими орқали иштирок этиш имконияти яратилди. Судьялар ўртасида ишларни автоматик тарзда тақсимлаш, суд қарорларини интернет тармоғида эълон қилиш, ижро ҳужжатларини электрон шаклда мажбурий ижрога юбориш каби ишлар ҳам осонлашди.

Шу билан бирга, суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш ва идоралар ўртасида маълумотлар алмашинувини янада такомиллаштириш муҳим вазифадир. Қарорда бу йўналишда ҳам устувор вазифалар белгиланган. Хусусан, фуқаролар ва тadbиркорлик субъектларига кўрсатиладиган интерактив электрон хизматлар турларини кенгайтириш, ҳар бир мурожаатни кўриб чиқиш жараёнининг онлайн кузатиб борилишини таъминлаш зарур. Қолаверса, суд биноларида интерактив хизматлардан эркин фойдаланиш, вазириликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар билан электрон

маълумотлар алмашинувини янада кенгайтириш, махсус ахборот дастурларини жорий этиш орқали судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятининг очиклиги ва шаффофлигини, маълумотлар базалари ва бошқа дастурий маҳсулотларнинг ахборот ва кибер-хавфсизлигини таъминлаш, хизмат ахборотлари ва маълумотларини комплекс ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларни янада кучайтириш лозим.

Мазкур вазифаларни ўз вақтида ижро этиш мақсадида 2020-2023 йилларда суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш дастури ҳамда судларнинг ахборот тизимларини давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимлари билан интеграция қилиш бўйича “йўл харитаси” тасдиқланди. Дастурда фуқаролар ва тadbиркорлик субъектларига одил судловга эришишда қўлайлик яратиш мақсадида унга яқин интерактив хизматлар кўрсатилишни йўлга қўйиш, суд ишларини давлат архиви-га электрон шаклда топшириш ва қабул қилиш, судларнинг ахборот-коммуникация технологиялари инфратузилмасини янада яхшилаш каби муҳим чора-тадбирлар белгиланди.

Қарор билан тасдиқланган “йўл харитаси”га асосан, 28 та давлат органи ва ташкилот, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси, Бош вазирнинг Тadbиркорлар муружаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари ахборот тизимларини Олий суднинг ахборот тизими-га бош-қ

“**Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш ва идоралар ўртасида маълумотлар алмашинувини янада такомиллаштириш муҳим вазифадир. Қарорда бу йўналишда ҳам устувор вазифалар белгиланган.**

ма-босқич интеграция қилиш орқали судлар томонидан давлат органлари ва ташкилотларига тақдим этиладиган маълумотларни электрон шаклга ўтказиш кўзда тутилган.

Муайян ишни кўриш жараёнида зарур бўлган маълумотлар ва ҳужжатларни “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” орқали бевосита давлат органлари ва ташкилотларидан электрон шаклда олиш имконияти юзага келиши фуқароларни ортиқча оворাগарчиликдан халос этади, суд идоралари ходимларининг ҳам иши енгиллашади. Шу боис, бундай ахборот тизимларидан самарали фойдаланиш муҳим вазифадир.

Шунингдек, эндиликда Олий суд ахборот тизими билан давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимлари интеграция қилиш орқали жисмоний ва юридик шахслар ҳақидаги мавжуд маълумотлар судларнинг электрон сўрови бўйича бепул тақдим этилади. Бундан ташқари, 2022 йил 1 январдан бошлаб судлар фаолиятига “Адолат” ахборот тизимлари комплексини жорий этиш назарда тутилган. Мазкур тизим давлат ҳокимияти ва бошқарув, маҳаллий давлат ҳокимияти, ҳўжалик бошқаруви органлари, адвокатлар томонидан судларга даъво, ариза ва шикоятларни электрон шаклда тақдим этиш имкониятини яратади.

Манфаатдор шахсларга жараёни онлайн тарзда кузатиб бориш, суд мажлиси иштирокчилари томонидан маълумотлар ва ҳужжатларни электрон шаклда юбориш, суд ҳужжатларини судлар фаолиятига жорий этилган ахборот тизимидан фойдаланган ҳолда автоматлаштирилган равишда шакллантириш каби имкониятларни яратади.

Шунингдек, жорий йил якунига қадар суд мажлисларида видеоконференцалоқа тартибидида иштирок этиш имконини берувчи мобиль дастурни ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий этиш вазифаси белгиланди. Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда жазони ижро этиш муассасаларида махсус хоналарни маҳбусларнинг суд мажлисларида ва суд раҳбарияти қабулларида видео-конференцалоқа тартибидида иштирок этиш имконини берувчи ускуналар билан жиҳозлаш чоралари кўрилади.

Бундан ташқари, Судьялар олий кенгашига судьялар, судьялик лавозимларига номзодлар томонидан электрон муружаат қилиш, суҳбат жараёнида бериладиган саволлар ва вазифаларни ахборот тизими ёрдамида автоматлаштирилган ҳолда танлаш мумкин. Судьялар олий мактабига унинг расмий веб-сайти орқали ариза ва муружаатларни йўллаш, профессор-ўқитувчилар ва тингловчиларнинг рейтинг кўрсаткичларини электрон тарзда шакллантириш, судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш курслари тингловчиларининг ўқув жараёнини онлайн тарзда назорат қилишдан иборат бўлган тартибларни ўрнатиш белгиланди.

Бундай замонавий имкониятларнинг пайдо бўлиши ва янада ривожланиши судда ишларни ўз вақтида сифатли кўриш билан бирга фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш орқали суд ҳокимиятига бўлган ишонччини янада оширишга хизмат қилади. Бу ютуқлар жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим омил бўлади.

ОЗИҚ–ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ УМУМБАШАРИЙ МАСАЛА

Ирода ТОШМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, айниқса, пандемия даврида дунё давлатлари олдидидаги долзарб масалага айланди. БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги ташкилоти — ФАО Минтақавий конференциясининг илк бор Ўзбекистон мезбонлигида онлайн тарзда ўтказилган Европа учун 32-сессияси ана шу масалалар муҳокамасига бағишланди.

Нуфузли виртуал йиғилишда Европа ва Марказий Осиёнинг ФАОга аъзо 53 та давлати мутасаддилари, Еврокомиссия делегатлари, қишлоқ ҳўжалиги соҳаси мутахассислари, шунингдек, халқаро ташкилотларнинг 400 га яқин вакили иштирок этди. Тadbир меҳмонлари панелли сессия доирасида бутун минтақа учун долзарб бўлган озиқ-овқат хавфсизлиги ва аграр секторини ривожлантириш масалаларини шакллантиргани ва муҳокамага қўйгани учун Ўзбекистон ҳўкуматига самимий миннатдорлик билдирди.

Халқаро анжуманининг очилиш маросимида сўзга чиққан Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалиги вазири Жамшид Хўжаев барча қатнашчиларни қутлар экан, минтақавий йиғилиш ФАОнинг аъзо давлатлар билан алоқалари самарадорлигини таъминлаш, шунингдек, келгуси икки йиллик ишларнинг устувор йўналишларини белгилашда муҳим ўрин тутишини билдирди. Бир неча кун давом этган онлайн учрашувларда Европа ва Марказий Осиёда барқарор озиқ-овқат тизимлари ва тўғри овқатланиш рақиси, ешларнинг аграр соҳадаги ўрнини ошириш, бандлиқни таъминлаш, инновация ва рақамлаштириш, қишлоқ жойларни ривожлантириш, озиқ-овқат ишлаб чиқариш ва қишлоқ ҳўжалигини юриштишга салбий таъсир кўрсатаётган COVID-19 пандемияси оқибатларига қарши кура-

шиш чоралари каби масалалар мутахассислар диққат марказида бўлди.

— Қишлоқ ҳўжалиги соҳасида дунё давлатларини бирдек ташвишга солаётган муаммолар ечимини топиш, келгуси 2 йилда ФАОнинг озиқ-овқат бўйича амалга ошириладиган ишлари, дастури-ни аниқ белгилаб олишда мазкур минтақавий анжуманининг аҳамияти бекиёс, — деди БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси бошлиғи ўринбосари Шерзод Умаров. — У нафақат қишлоқ ҳўжалиги, балки атроф-муҳит, ўрмон ҳўжалиги, табиий ресурслардан фойдаланиш, энг муҳими, озиқ-овқат хавфсизлиги масалаларини қамраб олгани билан ҳам аҳамиятлидир. Йиғилиш кун тартибидида бир неча долзарб муаммо ўртага ташланиб, уларни бартафат этиш бўйича келгуси режалар, аниқ вазифалар белгилаб олинди. БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида Бош котиб Антониу Гутерришнинг 2021 йилда озиқ-овқат саммитини ўтказиш бўйича таклифи муҳокама қилинди. Шунингдек, мазкур тadbир иштирокчи давлатлар учун юқоридаги масалалар борасида тажриба алмашинув платформаси вазифасини ҳам ўтади.

Халқаро онлайн учрашувнинг энг аҳамиятли жиҳати унда Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалиги вазири Жамшид Хўжаевнинг 2022 йилга қадар ФАОнинг юқори бошқарув органи ҳисобланадиган Минтақавий конференцияга раис этиб сайлангани бўлди. Унга кўра, вазир 2 йил давомида конференция фаолиятига раҳбарлик қилади. Раис Минтақавий конференциянинг 2020-2023 йилларга мўлжалланган иш режасини амалга оширишга кўмаклашади ва барча тadbирларни мувофиқлаштиради. Кейинги йиғилишга қадар минтақадаги ФАО фаолияти билан боғлиқ ҳар қандай норасмий маслаҳатлашув, ташаббус ва дастурлар конференция раиси билан ҳамкорликда амалга оширилади.

Бугуннинг гапи

Одилжон ИБРОҲИМОВ,
Фаргона политехника институти профессори,
қишлоқ ҳўжалиги фанлари доктори

Қишлоқ ҳўжалиги экинларидан мўл ҳосил олиш ва етиштирилган ҳосилни сақлаб қолишдаги асосий омиллардан бири зараркунанда, касаллик ва бегона ўтлардан ҳимоя қилишдир. Инсоният биргина зараркунандалар туфайли ҳар йили 203,7 миллион тонна дон, 228,4 миллион тонна қанд лавлаги, 23,8 миллион тонна картошка, 23,4 миллион тонна сабзавот, 11,3 миллион тонна мева ҳосилини кам олади.



ДАЛАНИ КУЗДА ҲАЙДА...

Республикамизнинг гўза, галла ва мевали бoғ майдонларида 200 турдан зиёд, шундан пахтазорларда 74 турга мансуб бегона ўтлар учрайди. Ноқулай шароитларга қарамай, улар маданий экинларга нисбатан олдин униб чиқади ва тез ўсиб ривожланади. Тадқиқотларга кўра, қишлоқ ҳўжалиги экинлари жами ҳосилнинг 10-12 фоизи бегона ўтлар зарари туфайли йўқотилади. Улар гўзага нисбатан суви 3 баробар, бугдойга қараганда 4 мартагача кўп ичади. Мисол учун, ўт босган 1 квадрат метр майдондаги даладан 30 кунда 139 литр микдоридида сув бугланади. Ўтсиз далада эса бу кўрсаткич 37 литрни ташкил этади.

Бундан ташқари, бегона ўтлар гўза ва бугдойни озиклантириш учун солинган минерал ўғитлар таркибидидаги озиқ моддаларнинг 26-30 фоизини соф ҳолда ўзлаштиради. Аслида бир тонна дон етиштириш учун тупроқда 46 килограммгача азот, 22 килограммгача фосфор ва 28 килограммгача калий бўлиши талаб қилинади.

Тахлиллар кўрсатадики, бегона ўтлар далаларда турли зараркунандалар жон сақлайдиган манба ҳисобланади. Айниқса, ўргимчаккана, кузги тунлам, гўза тунлами, шира, трипс ва бошқа зараркунандалар аввал бегона ўтларда ривожланиб, сўнгра гўзага ва бошқа экинларга ўтади.

Ҳисобсиз меҳнат, куч ва маблағ сарфлашишининг олдини олиш фермер ҳўжаликлари ҳамда мутасадди корхона ва идоралар ходимларининг бегона ўтларга қарши курашишдаги масъулиятини тубдан оширишни талаб қилиди. Акс ҳолда бoғлар, галлазорлар, сабзавот ва поллиз, гўза майдонларини бегона ўтлардан халос эта олмайдимиз.

Маълумотларга қараганда, мамлакатимизда қишлоқ ҳўжалиги зараркунандалари ва касалликлари туфайли экинлардан етиштирилаётган ҳосилнинг 11,6 дан

13 фоизгача қисми бой берилмоқда.

Мутахассисларнинг кузатувларига кўра, энг ашаддй бегона ўтлардан бири — ёввойи сули уруғлари тупроқда 5-7 йилгача, куруқ ҳолда сақланганида эса каммида 8 йил унвучанлигини йўқотмайди. Уруғи тупроқ остида 25-30 сантиметр чуқурликдан ҳам униб чиқиши мумкин, аммо тупроқнинг 10 сантиметр юза қатламидан яхши ўнади. Ёввойи сулининг ҳосилдорлиқни кўп микдорда қамрашишга асосий сабаб шунки, ердан кўп микдорда озуқа ўзлаштириши билан бирга бугдойга нисбатан бир ярим марта кўпроқ сув сарфлаши натижасида тупроқни қуритиб юборади.

Тўғри, юртимизда ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасида атроф-муҳит, инсонлар ва жонзотлар учун безарар бўлган биологик кураш усулини қўллашга катта аҳамият берилмоқда. Ҳозирги кунда 800 дан ортиқ биологическая фаолият кўрсатаяпти. Хусусан, гўза зараркунандаларига қарши курашда биологик усулнинг улуғи 91 фоизни ташкил этади. Фақат ана шундай ҳимоянинг эвазига пахтанинг 12-15, галланинг 9-10, ловия ва бошқа экинларнинг 16-20 фоиз йўқотилиши мумкин бўлган ҳосили сақлаб қолинмоқда.

Назаримизда, етиштирилаётган пахта, дон, сабзавот экинлари ҳосилини сақлаб қолиш борасидидаги фаолиятни куз фаслида бошлаш янада яхши самара беради. Чунки сифатли 35-40 сантиметр чуқурликда кузги шудгорлаш кўш ярусли омочларда амалга оширилганда бегона ўтларни ва ҳашаротларни 50 фоизга қадар камайтириш таъминланади.

Кузда ва эрта баҳорда пол олиш йўли билан шўр ювиш, яхб бериш орқали бегона ўтлар уруғи ҳамда зараркунандалари сезиларли даражада янада камайтириш мумкин.

Ҳудудларда ислохотлар самараси

Маннон ОТАБОЙ

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 29-30 март кунлари Бухоро вилоятига ташири чогиди берилган тавсия ва топшириқларни бажариш мақсадида бошланган бунёдорлик ишлари бардавомлигини бугун ҳар қадамда кўрса бўлади. Хусусан, Бухоро шаҳри кундан-кунга чиroy очмоқда. Янги қурилаётган кўп қаватли уйлар, маданий-маиший объектлар, кўча ва хиёбонлар тарихий шаҳар ҳуснига ҳусн қўшмоқда.

Бундан бир неча йил илгари турли сабабларга кўра фаолияти тўхтаб қолган ишлаб чиқариш субъектлари “умрига умр кўиши” борасидида қайта тиклаш ва реконструкция ишлари ҳам қизғин давом этмоқда. Турган гапки, бунда истиқболли лойиҳалар ижросини ўз вақтида таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Ана шундай собиқ корхоналардан бири, 20 йилдан буён фойдаланилмай келинаётган трикотаж фабрикасининг бўш турган бино ва иншоотлари 18 ой давомида 8 миллион АҚШ доллари микдоридида инвестиция кiritиш ва 750 янги иш ўрни яратиш шарт билан “Шофиркон Экваториалтекс” МЧЖга “ноль” харид қийматида топширилди. Эндиликда бу ерда умумий қиймати 9,5 миллион АҚШ доллариға тенг лойиҳа амалда бажариб бўлинган. “Ғайрат Чодак” бренди остида аёллар кийим-кечаклари ишлаб чиқаришга киришилди. Бунинг учун тadbиркорга Миллий банкнинг вилот-й филиали томонидан 6,5 миллион АҚШ доллари микдоридида кредит ажратилган бўлиб, ҳозир 4 қаватли бинода таъмир-



БУНЁДКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАРДАН БОШЛАНАДИ

лаш ва жиҳозлаш ишлари давом этмоқда. Корхонани 175 апрель-май ойларида тўлиқ ишга тушириб, 1 минг 350 фуқаро бандлигини таъминлаш кўзда тутилган.

Бухоро шаҳрининг Қарши дарвозаси кўчасидида биноларнинг бирида ҳам таъмирлаш ва қайта тиклаш ишлари бошлан-ниш арафасида. Гап шундаки, бу ерда вилотда фаолият кўрсатаётган пахта йиғирув ва тўқимачилик кластери — “Мергантекс” МЧЖ негизидида табиий ва кимёвий топадар аралашмасидан интеграциялаштирилган тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган енгил саноат комплексини барпо этиш, пировардида кўплаб янги иш ўринларини яратиш режалаштирилмоқда.

Булажак иншоотнинг лойиҳа қиймати 25 миллион АҚШ доллариға тенг. Миллий банкнинг вилот филиали томонидан ажратилган 10 миллион АҚШ доллари микдоридидаи кредит ушбу йўналишдаги ишларнинг асосий қисмини амалга оширишда қўл келди. Биргина бу эмас. Мазкур истиқболли лойиҳа ижроси Бухоро шаҳрида “Нигора” МЧЖни ташкил этиб, 750 та янги иш ўрнини яратиш имконини ҳам беради.

2021 йилнинг иккинчи чорағида вилотнинг Қорақўл туманида яна бир ишлаб чиқариш линияси фойдаланишга топширилиши билан ушбу лойиҳа ижроси поёнига етказилади ва 300 кишининг бандлиги таъминланади.

“Нигора” МЧЖ енгил саноат корхонаси, асосан, эркаклар кийим-кечагини тайёрлашга ихтисослашган бўлиб, у йилгига 35 миллион АҚШ доллариға тенг қийматдаги маҳсулот тайёрлаш қувватига эга. 10 миллион долларлик сифатли маҳсулотни эса экспорт қилиш режалаштирилган.

Бухоро туманида жойлашган “Бухороба-лик” МЧЖ тасарруфидида 278 гектар майдоннинг 175 гектарида сув ҳавзаси ташкил этилган бўлиб, кейинги пайтда ушбу корхона фаолиятини тубдан яхшилаш, жумладан, хорижий технология ва илгор тажрибаларни кенг қўллаш, балиқчилик билан шуғулланиш истағида бўлган ҳўжаликлар сонини ошириш, чет эл инвестициясини жалб этган ҳолда янгича иш механизми-ни жорий этиш зарурати сезилиб қолди. Бугунги кунда соҳада катта тажриба ва имкониятга эга бўлган Таиланд, Германия, Латвиянинг бир қатор компаниялари вакиллари бухоролик ҳамкасблари билан ўзаро манфаатли шериклик асосида фа-

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК — ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШНИНГ ЗАРУРИЙ ОМИЛИ



Ирода ЁҚУБОВА,
Тошкент давлат юридик
университети доценти,
юридик фанлар бўйича
фалсафа доктори

Интеллектуал мулк ҳуқуқларининг бузилиши бугунги кунда ўта долзарб масалага айланди. Бунда, айниқса, рақамли технологияларнинг ривожланиши ва интернет тармоғи имконияти кенгайиши асосий омил бўлмоқда.

Президентимиз томонидан жорий йилнинг 12 октябр кунин интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган йилгиликда илм-фан ва инновацияни ривожлантириш, бу соҳадаги ютуқларни юқори қўшилган қўяматли маҳсулотга айлантиришда интеллектуал мулкнинг ишончли ҳимоясини таъминлаш жуда муҳим экани алоҳида таъкидланди. Шунингдек, дунёда товарларнинг бренд қиймати юқори ҳисобланиши, интеллектуал мулк Европада ялпи ички маҳсулотнинг 45, Хитойда 12, Россияда 7 фоизини ташкил этиши айтиб ўтилди. “Мамлакатимиз бу борада дунё бозоридан узоқлашиб кетди. На тегишли идоралар, на ҳудуд раҳбарлари интеллектуал мулк масаласига эътибор берди. Шу сабабли ихтиросчи олим ва ижодкорларимиз ҳоризмга чиқиб кетди. Илмий институтларимиз инновациялар, тармоқлар эса харидорлар ишланма ва брендлар ярата олгани йўқ. Бўлган тақдирда ҳам аксарият ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари бўйича мурожаатлар илмий ишчи тезроқ рўйхатдан ўтказиб олиш мақсадида қилинмоқда. Бу борадаги талаблар ҳам эскириб қолган”, деди давлатимиз раҳбари.

Ривожланган мамлакатларда инсон капиталидан самарали фойдаланиш, яратилган интеллектуал мулк объектларини тижоратлаштириш жараёнига кенг жорий этиш ва интеллектуал мулк соҳасини иқтисодиётнинг энг ривожланган тармоқларидан бирига айлантириш иқтисодий тараққиётнинг муҳим кўрсаткичлари ҳисобланади. Маҳсулотни қадоқлашда муваффақиятли ишлатилган битта товар белгиси йиллик компания, ҳатто бутун давлатнинг имижини намойиш

етишга қодир. Бунга Rolex, Nike, Adidas, Apple, Toyota, Mercedes Benz каби машҳур брендлар ақол мисол бўла олади. Кўп ҳолатларда Сингапур, Жанубий Корея ёки Япония каби илгор мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиши ҳақида гап кетганда, тасаввуримизда дарҳол инновация иқтисодиёт пайдо бўлади. Бу, албатта, беҳиз эмас. Чунки бу давлатларда инновация интеллектуал мулк объектларини яратишни рағбатлантирадиган ва уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлайдиган фундаментал асос ҳисобланади. Айниқса, дунё миқёсида кузатилаётган табиий ресурсларнинг танқислиги шароитида интеллектуал мулк стратегиясини қўллаш масаласи иқтисодиёти танг аҳволда бўлган мамлакатлар учун ягона ва асосий ечимдир.

Жаҳоннинг кўпгина ўлкаларида интеллектуал мулк давлат томонидан ҳимояланади. Интеллектуал мулк мамлакат иқтисодиётининг муҳим таркибий қисмига айланиб бораётгани инobatта олинса, соҳага оид қонунчиликни такомиллаштириш долзарб вазифа ҳисобланади. Юртимизда интеллектуал мулкни қонун йўли билан муҳофаза қилиш мақсадида олтига қонун қабул қилинган.

Мамлакатимизда ихтиролар, илмий ишланмалар, рационализаторлик тақлифлари, илмий-иқодий ишлар муаллифлари ҳуқуқи шу қонунлар асосида ҳимоя қилинади. Бироқ даврнинг шиддат билан ўзгариши ҳамда соҳага турли янгиликларнинг жорий қилиниши миллий қонунчиликка ўзгариш ва қўшимчалар киритишни талаб этмоқда.

Соҳадаги сўнгги ўзгариш ва янгиликларни қонунчиликка татбиқ этиш мақсадида 2020 йил 5 августда “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” қонун қабул қилинди.

“Ўзбекистон Республикасининг интеллектуал мулк соҳасида бизнес муҳитни ўзгариши бўйича ҳуқуқий ва амалий чора-тадбирларни амалга оширишни талаб этади.”

сида”ги қонун қабул қилинди. Қонун билан Фуқаролик ва Божхона кодекслари, “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги, “Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида”ги, “Селекция ютуқлари тўғрисида”ги, “Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида”ги ва “Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида”ги қонунларнинг интеллектуал мулк соҳасини тартибга солуви бандларига ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

Ҳозирги замон интеллектуал мулк муносабатларининг жадал ривожланишида интеллектуал мулк институтини тартибга солуви нормалар ҳар томонлама модернизация қилиниши лозим. Ушбу мақсад интеллектуал мулк соҳасида бизнес муҳитини ўзгариши бўйича ҳуқуқий ва амалий чора-тадбирларни амалга оширишни талаб этади. Бу эса технология ишланмаларни рағбатлантириш, муаллифлик ҳуқуқи эгаларининг ҳимоясини кучайтириш, интеллектуал фаолият учун янги имкониятларни очиб, патентлашдаги тўсиқларни камайтириш, электрон патентларни бериш ва патент талабномаларида 3D моделлардан фойдаланишнинг ҳуқуқий асосларини шакллантириш бўйича чоралар кўришни ўз ичига олиши лозим.

Ҳуқуқни қўллаш амалиётининг ўтказилган таҳлили шуни кўрсатдики, интеллектуал мулк соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш ва уларга барҳам бериш, интеллектуал мулк объектларининг муҳофаза бўйича ишларнинг лозим даражада бажарилмагани, интеллектуал мулк соҳасида малакали кадрларнинг етишмаслиги, шунингдек, патент божлари ва тўловларининг юқори даражада экани ушбу соҳани ривожлантиришга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Интеллектуал мулк муаллифлик ҳуқуқи, турдош ҳуқуқлар, шунингдек, саноат мулкидан иборат. Унинг таркибига яна брендлар билан боғлиқ барча белгилар кирди. Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар, асосан, оммавий ахборот воситалари ва ахборот технологиялари соҳасига нисбатан қўлланилади. Ушбу бозор мамлакатимизда саноат мулкига нисбатан бирмунча фаолроқ.

Мамлакатимизда патентлар билан ишлаш ҳали ривожланмаган. Бошқа мамлакатлар компаниялари патентлар билан фаол ишламоқда — улар сотиб олиш ва сотиш, патент ҳавзаларини яратиш, компаниянинг капиталлашувида патентлар ва савдо белгиларидан фойдаланиш, шунингдек, ўз маҳсулотларини бозорларга олиб чиқиш ёки ташқи бозорларда товарлар ва хизматлар билан билвосита рақобатлашиш борасида жадал фаолият юритмоқда, АҚШ ҳатто бизнес усулларини ҳам патентламоқда.

Интеллектуал мулкни ҳимоя қилишнинг такомиллаштирилган тизими ҳам қорхонага, ҳам мамлакатга фойда келтиради. Бу илмий-тадқиқотлардаги ютуқлар ва R&D (янги маҳсулот ёки тизимни саноатда ишлаб чиқаришдан олдин, яъни илмий-тадқиқотлар доирасига кириб кетувчи прототиплар ва кичик ҳажмдаги маҳсулот намуналарини ишлаб чиқаришни ўз ичига олган ишлар мажмуи) харажатлари олишти тўғрисида юз беради. R&D харажатлари компания инновацион фаолиятининг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади.

Янги интеллектуал мулк пайдо бўлишига олиб келадиган кашфиёт ва Нобель мукофотида сазовор бўлган тадқиқотлар ҳар қандай ҳолатда ҳукумат ва бизнес томонидан ҳимоя қилиниши, шунингдек, жамият ва бизнес ихтиёрий равишда янги маҳсулот ва ечимларни ишлаб чиқиш учун янада шаффоф инновацион моделни қабул қилиши зарур.

МАКТАБЛАРДА “KUNDALIK” ЭЛЕКТРОН ТИЗИМИ

Нодир МАҲМУДОВ,
“Янги Ўзбекистон”
мухбири

Сўнгги йилларда мамлакатимизда мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий ҳаракатга айланиб, соҳа тараққиётида янги давр бошланганига гувоҳ бўлиб турибмиз. Ана шу ҳаракатнинг амалий ифодаси сифатида охириги икки йилда

556 миллиард сўм ҳисобидан **77** та янги мактаб биноси қурилди.

1930 та умумтаълим мактабида қайта қуриш ва таъмирлаш ишлари бажарилди.

Дунё ахли коронавирус инқирозини бошдан кечираётган ҳозирги мураккаб даврда мамлакатимиз таълим тизими ҳам жиҳдий сингва дуч келди. Бугунги қийин шароитга қарамай, давлатимиз томонидан ўз вақтида қўрилган чора-тадбирлар натижасида бошланган зғу ишлар изчил давом эттирилмоқда. Жумладан, қисқа муддат ичида юртимизда “Онлайн мактаб” лойиҳаси ва масофавий таълим жорий этилди. Бу жараёнда “Kundalik” тизимининг амалиётга татбиқ этилгани айни мuddао бўлди.

— Ўқитувчилар ишчини енгиллаштириш ва уларнинг салоҳиятидан оқилона фойдаланиш учун келгуси йилда таълимни рақамлаштириш ишларини якунлаб, “Онлайн мактаб”, “Рақамли ва хавфсиз мактаб”, “Электрон дарслик”, “Электрон кундалик” каби тизимлар жорий этилади, — дейди Халқ таълими вазирлигининг ўқув жараёнини методик жиҳатдан таъминлашни ривожлантириш бошқармаси бош мутахассиси Арслонбек Раҳмонқулов. — 2020 йил охиригача мактабларни кенг поласали интернет тармоғига ўша даражада 70 фоизга етказилади. Келгусида барча мактаб юз фоиз интернет билан таъминланади ва бунинг учун давлат бюджети маблағлари йўналтирилади.

Янги ўқув йилидан бошлаб республикамиз бўйлаб 1 200 та мактаб қороз журнал ва кундаликларсиз, фақатгина “Kundalik” электрон тизимидан фойдаланган ҳолда фаолият юритмоқда.

Платформада ишлаш учун интернетга уланган ҳар қандай қурилмадан фойдаланиш мумкин. Компьютер, ноутбук, планшет, смартфон шулар жумласидандир. Kundalik.com сайти TAS-IX зонасида жойлашган бўлиб, тизим билан ишлаганда интернет трафиғи сарфланмайди.

Шу ўринда Ўзбекистондаги мактаблар қачон янги тизимда ишлашга тайёр бўлади, деган савол туғилиши табиий. Албатта, бу республикамиздаги барча мактабда оптик топаки юқори тезликдаги интернет бўлиши, информатика кабинетлари замонавий компьютер техникалари билан таъминланиши, ўқитувчи, ўқувчи ва ота-оналарда смартфон, ноутбук ёки планшетларнинг мавжудлиги каби омилларга боғлиқ.

Мазкур масалаларни ҳал этиш мақсадида Президентимиз томонидан Молия вазирлиғи ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиғига тегишли топириқлар берилди. Унга кўра, 2021 йилгача республикамиздаги барча мактаб 10 мегабайт секунддан кам бўлган тезлик билан оптик толали интернетга улашиши, шунингдек, Wi-Fi ҳудудлар билан таъминланиши керак.

Халқ таълими вазирлиғи республика бўйича ўз тасарруфидоги умумтаълим мактабларининг ўқитувчиларини электрон мосламалар билан таъминлаш мақсадида кунчи кеча “ALIF MOLLYA” МЧЖ билан мемо-



рандум имзолади. Томонлар халқ таълими тизими ўқитувчиларига электрон мосламаларни сотиб олиш учун муддатли тўловларни тақдим этиш борасида ҳамкорлик қилади. Энди республикамиз бўйича барча ўқитувчи бошланғич тўловсиз ноутбук ва планшетларни лизинг асосида сотиб олиши мумкин. Энг асосийси, ўқитувчиларга мазкур мосламалар аҳолига сотилаётган нархдан беш-етти фоиз арзон нархда етказиб берилади. Маҳсулот харид қилиш учун интернет орқали компания сайтига кирилади ва танланади. Шундан сўнг техника харидорнинг уйига етказиб берилади. Ўқитувчилар нафақат ноутбук ёки планшет, балки исталган техника маҳсулоти (телевизор, музлаткич, чанпоткич фабрика)ни бошланғич тўловсиз, беш-етти фоизлик чегирма билан харид қилиши мумкин.

2018 йилда Халқ таълими вазирлиғи томонидан республикадаги умумтаълим мак-

табларининг 5-11-синф информатика кабинетларининг компьютер техникалари билан жиҳозланганлиги ҳолати ўрганилганда тизим олдида амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар мавжудлиги кўринди. Жумладан, маънан эскирган компьютер техникалари билан қўшиб ҳисоблаганда, жами 6 880 та мактабни компьютерлаштириш кераклиги маълум бўлди. Мазкур эҳтиёжни ҳал этиш учун 2 025 йилгача мўлжалланган режа ишлаб чиқилиб, уни амалга оширишга киришилди. Кенг қўламдаги бу ишни бажариш учун хорижий банкларнинг кредит ва грантлари жалб этилди. Эксимбанк кредитлари эвазига 2019-2020 йиллар давомида 2859 та ҳамда Жаҳон банки гранти эвазига 124 та — жами 2 983 та мактабнинг 5-11-синф информатика кабинетлари тўлиқ компьютер техникалари билан жиҳозланди. Бу кўрсаткич белгиланган умумий режанинг 30,2 фоизини ташкил этади.

Шу кунларда “Facebook”, “Telegram”, “Instagram”, “Youtube” саҳифаларида ўзини “Kundalik” расмий саҳифалари деб атаётган қалбаки akkaунтлар пайдо бўла бошлади. Мазкур akkaунтлар таққиланган ахборот тарқалишига, логин ва пароллар ошқор бўлишига, мавжуд бўлмаган хизматларнинг сотилишига олиб келиши мумкин. Бу сохта расмий шарҳлар ва хабарлар текширилмаган ва хато маълумотлардан иборат.

Фақат қуйидаги расмий каналлар орқали “Kundalik” нинг расмий хабарларини кузатиб бориш тавсия этилади:
<https://www.facebook.com/KundalikUzbekistan>
<https://t.me/kundalik.com>
<https://www.instagram.com/kundalikcom>
<https://mover.uz/channel/kundalikcom>
<https://www.youtube.com/channel/UCXEuWtrq2E7ZQ3D8tOmCZ>



САҒАНАТОШЛАРДАГИ ҚАДИМИЙ БИТИКЛАР

Маълумотларга кўра, юртимиз сайёҳлик қўлами ва тарихий жойлари кўплиги бўйича дунёдаги етакчи ўн та мамлакат қаторидан жой олган. Мамлакатимизда мавжуд бир қатор тарихий ва маданий ёдгорликлар ЮНЕСКОнинг жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилгани эса сайёҳлар оқимини янада кўпайтиришга хизмат қилмоқда. Чет эллик меҳмонлар, айниқса, Самарқанд, Бухоро, Термиз, Хива ва Шахрисабз каби тарихий шаҳарларимизда бўлиб, бу жойларни зиёрат этишни орзу қиладилар.

Соҳиба ОЧИЛОВА,
Шахрисабз шаҳри
Амир Темури номидаги
моддий маданият тарихи
музейи бош мутахассиси

Ўзбекистондаги диний зиёратгоҳларимиз эса дунё мусулмон халқлари диққат-эътиборини ўзига жалб этмоқда. Бу ўринда Бухорий, Термизий каби муътабар номлар билан боғлиқ диний зиёратгоҳларимиз ислом дунёсида ўзининг алоҳида ўрнига эга эканини таъкидлаш жоиз.

Шу маънода ҳам 2018 йилдан бошлаб давлат Малайзия, Индонезия ва Сингапур мамлакатларидан Ўзбекистондаги муқаддас қадамжоларга зиёрат туризми йўналишидаги сайёҳларни жалб қилиш бўйича ишлар фаоллаштирилиб, визасиз тартиб жорий қилинди ва қўшимча чартер рейслар ташкил этилди.

Сайёҳлар кўришни орзу қилган шаҳарларимиздан саналган Шахрисабз ўзининг бир неча минг йиллик тарихига эга. Ушбу шаҳар ҳозирги кунгача олимлару тадқиқотчилар диққат-эътиборини ўзига жалб қилиб келяпти. Жумладан, 1996 йилда Амир Темури бобомизнинг 660 йиллик таваллуди олдиндан Оқсарой, Дор ут-тиловат, Дор ус-саодат мажмуалари ҳудудларида Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ), Самарқанд археология университети ҳамда Амир Темури номидаги моддий маданият тарихи музейи илмий ходимлари ҳамкорлигида археологик илмий-тадқиқот ишлари олиб борилади. Археологик қазималар вақтида XIV-XV асрларга оид сангтарошлик намуналари, яъни Амир Темури ва темурийлар даврига оид безакли сағанатошлар топилиди. Бу сағанатошлар бутун ва синиқ ҳолда бўлиб, Шахрисабз шаҳридаги Амир Темури номидаги моддий маданият тарихи музейида сақланмоқда.

Қуйида музей жамланмасида мавжуд сағанатошлардаги айрим битикларнинг таснифи келтирилади. Битикларни қашқадарё вилояти Китоб шаҳридаги Хожа Бухорий ислом билим юрти хаттотлик фани ўқитувчиси Ашраф Одинаев тарҳима қилган.

Бир сағанатош (КП-665, ИНВ-182) XIV асрга оид, ўлчами 119x27x16 см. Бу сағанатош Дор ут-тиловат мажмуасидан топилган. Сағанатош юзасида ўсимликсимон тасвирлар ва эски ўзбек ёзувидаги битиклар бўртма шаклда берилган. Битиклардаги мазмун: **“Ўй умримизнинг муниси ҳамдами, Биздан салом бўлсин...”**. Харфлар ўчиб, кўринмай қолгани учун сағанатош атрофига битилган ёзувларнинг юқори қисмини ўқиб бўлмади. Пастки қисмида эса қуйидаги ҳикматли сўзлар ёзилган: **“...Бизнинг макону туپроғимиздан ҳавога ифдор таралсин. Бир иноятли йўлни кўрсатил, неъмат бергучи борбон — Маннон”**.

Сағанатошнинг иккинчи томонида битилган ёзувлар қуйидагича: **“Биронинг фатҳи-очилиши билан ишга киришар эдилар”**.

Тошнинг юқори қисмидаги ёзувларни ўқининг иложи бўлмади. Пастки қисмида “...аммо кўринишидан умидли қандайдир ҳолатни билиб бўлмас. Агар Ер юзининг бор мулкига эга бўлсан, бир кунлик ҳаётдаги муҳлатнинг баҳоси бўлмас” каби ҳикматли сўзлар мавжуд.

Яна бир сағанатош (КП-668, ИНВ-183) XV асрга оид бўлиб, ўлчами 127x27x18 см. Дор ут-тиловат мажмуасидан топилган. Ўсимликсимон нақшлар бўртма шаклда берилган.

Тошдаги безаклар орасида куйи ёзувида пайғамбаримиз Мухаммад (саллаллоҳу алайҳи васаллам)нинг исмлари битилган. Айлана бўйлаб тошлар атрофида Шайх Саъдийнинг ғазали битилган.

XIV аср сағанатоши (ИНВ № 664-181) Дор ут-тиловат мажмуасидан синиқ ҳолатда топилган. Ўсимликсимон тасвирлар бўртма шаклда берилган. Ўлчами: 122x 28x17 см.

Бу тошда Аллоҳ таолонинг 99 му-

борақ сифати битилган. Аммо тош бутунлигича сақланмаган. Чунки синган жойидан чамаси 50-60 сантиметрлик ўлчамни ўз ичига оладиган, тартиб билан ўқиганда Аллоҳнинг юқори ва пастдан ўчтадан сифати йўқлиги шундан далолат беради.

Исмлар сулс хатида чиройли қилиб тош атрофидаги туртбурчаксимон чиреҳли нақшлар орасига битилган.

Тошнинг иккинчи томони ҳам “Асмоул-хусно”нинг давоми бўлиб, тартиб билан ўқиб борганимизда Аллоҳ таолонинг 22 та сифати битилган. Агар тош бутунлигича сақланганида, кўринмай қолган 6 та сифати ҳам намоён бўлар эди. Хуллас, тош Кўрғони қаримнинг “Ҳашр” сураси 23-оятининг аввали билан бошланиб, қуйидаги тартибда давом этган:

“Хуваллоҳуллазий ла илаҳа иллаллоҳ”, “Ар-Раҳмон, Ар-Роҳийм (Ал-Малик, Ал-Қуддус, Ас-Салом), бу уч сифати тепа синиқ қатордан тушган. Ал-Мўъмин, Ал-Мухаймин, Ал-Азиз, Ал-Жаббор, Ал-Мутақаббир, Ал-Ҳолик, Ал-Бори, Ал-Мусоввир, Ал-Қоҳҳар, Ал-Ваҳҳуш (пастки синиқдан: Ар-Раззоқ, Ал-Фаттоҳ, Ал-Алийм сифатлари туширилган). Ал-Қобиз, Ал-Босит, Ал-Ҳафиз, Ар-Рофъе, Ал-Муъйиз (бу тошнинг бир томони 18 та сифатдан иборат бўлиб, 6 таси йўқ).

Иккинчи томонида 22 та исм битилган бўлиб, бунда ҳам 6 та исм тартибдан тушган. “Ал-Музил, Ас-Сами, Ал-Басийр, Ал-Ҳакам, Ал-Адл, Ал-Латиф, Ал-Ҳобийр” (Ал-Ҳалийм, Ал-Азийм, Ал-Ғафур) “Аш-Шакур, Ал-Алий, Ал-Қабийр, Ал-Ҳафийз, Ал-Муқийт, Ал-Ҳасийб, Ал-Жамийл, Ал-Қарийм, Ар-Роқийб, Ал-Мужийб, Ал-Восе. (Ал-Ҳақийм, Ал-Вадуд, Ал-Маҳийд) Ал-Босъис, Аш-Шаҳийд, Ал-Ҳақ, Ал-Вақийл... (жами икки томонлама 52 та сифат ўлчамда бўлиши керак, икки томондан 6 тадан 12 та сифат йўқлигидан 40 таси ўқилди).

Тошнинг чап ёнидаги арксимон ўлчам ичида “Ар-Раҳмон” сурасининг “Қуллу ман алайҳа фаан. Ва ябро ваҳу Руббика Зул Жалали вал икром”, яъни “Ер юзидаги барча жонзот фойдидир. Улуғлик ва икром эгаси Роббининг ўзигина боқийдир”, деган оятлар битилган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, юқоридagi битиклар Амир Темури ва темурийлар даврида сангтарошлик, яъни тошга ишлов бериш амалий санъати кенг ривожланганидан далолат беради. Битиклардаги маъноли сўзлар инсонларга чуқур маълумот улашиб, ўша даврда яшаб ўтган алломақ фозиллар ҳақида теранроқ фикрлашга ҳам ундайди. Энг муҳими, мазкур битиклар сайёҳларда катта қизиқиш уғритиб, нақшикорлиги билан эътиборни жалб қилишда муҳим омил бўлади.

Узлуксиз маънавий тарбия

ЭНГ ЧИРОЙЛИ БАХТ

Муҳтарама УЛУГОВА,
Республика Маънавият ва маърифат маркази масъул ходими

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 майдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар” тўғрисидаги қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, ёшларни ҳаётга дунёқараши кенг, фаол фуқаролар этиб тарбиялаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси 2019 йил 31 декабрда “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорини қабул қилди. Қарорда тасдиқланган Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини мамлакатимиз ёш авлоди тарбиясига тамоман янги ҳаёт ёндашув деб айтиш мумкин.

Чунки шу пайтгача навқирон авлод тарбияси даврлар(болалик, ўсмирлик, ёшлик, камолот фасли)га бўлиниб, бу даврлар учун алоҳида-алоҳида илмий-амалий адабиётлар ёзилган, ҳар бир давр вакиллари тарбиясига масъул бўлган ота-она, ўқитувчи, устозлар ҳам ўз вазифаю машғулотлари чегарасини қатъий белгиллаб олишган эди. Ҳолбуки, оддий нихолнинг кўркам, чиройли бўлиб ўсиши, сархил мевалар бериши унинг қандай ерга экилгани, қандай парвариш қилингани, қандай озқалар билан қувватлантирилгани ва бу ишлар ўз вақтида, изчил, бир-бири билан боғлиқ равишда, бири иккинчисини тўлдириб давом эттирилганига боғлиқ.

Ёш авлодда мустақил ҳаёт учун зарур бўладиган ижтимоий кўникма ва фазилатларни ёшига мос, босқичма-босқич шакллантириш асосида юксак фазилатли, баркамол авлодни вояга етказишни асосий мақсад қилиб белгиланган тўрт босқичдан иборат концепциянинг биринчи босқичи ҳомиладорлик давридан бола дунёга келиб, уч ёшгача бўлган йилларни ўз ичига олади. Бу давр ҳам иккинчи ҳомиладорлик ва бола туғилгандан кейин 3 ёшгача бўлган даврга бўлинади; тарбия учун масъуллар сифатида ота-она, тарбиячи, ўқитувчи, узлуксиз таълим муассасалари ва жамоатчиликнинг ўзаро самарали ҳамкорлигини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш вазифаси белгиланган.

Аввало, ҳомиладорлик даврига ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, ҳали дунёга келмаган зурриёдининг-да маънавий тарбияга муҳож экани, унинг ота-онаси ва жамият бу ҳақда ҳали у олам юзини кўрмасдан туриб ғамхўрлик қилишини таъминлаш зарурлиги давлатимиз томонидан эътироф этилиши, бу ишни давлат сиёсати даражасида қўриб амалий чоралар белгиланиши — бугун ва истиқболга дохил улۇф қадам. Ҳақиқатан ҳам, бола 3 ёшгача асосан ота-онаси, шу билан бирга, жуда кўп ўзбек хонадонларида бобо-сию бовиси, амакисию аммалари орасида яшайди, илк кўникмаларга эга бўлади. Замонавий руҳиятшунослик бола ҳали дунёга келмасидан бошлаб оила муҳитини ҳис этиши, ундан таъсирланишини илмий асосда таъкидлайди. Аслида, халқимиз учун бу фикр янгилик эмас. Момоларнинг ҳомиладор аёлнинг ташландик, кўркимчли жойларда, қоронғи тушганда ёлғиз қоришига йўл қўймагнлар. Оғирроқ онага тинчлик-осойишталик яратиш, чиройли жойлар ва нарсаларни кўрсатиш, мулоийм муносабатда бўлиш, оқибати хайрли воқеалар ҳақида сўзлашни, илоҳи борича кўнгли тусанган таом-емакни муҳайё қилишни маслаҳат берганлари бежиз эмас.

Фаргонанинг Ёзёвонидан халқ таълими аълочиси Ўктамхон Солиева шундай хат ёзибди: “Кўйдаги воқеани ўқиган, эшитганлар унинг тўқиб чиқарилганлиги, ҳаётий эканига ишонилари учун исму фамилиясини яширмайман. Бундан уч йил олдин қизим ҳомиладор бўлди-ю, ҳамма жуда мактайдиган қўлматбаҳо атиримнинг ҳидини ёқтирмай қолди. Учрашганимизда кўришар-кўришмас мендан узоқлашар, шу атирни сепмаслигимни илтимос қиларди. Мен бу ҳомиладорларда бўладиган инжиқликлардан бири деб ўйладим, атирни ишлатаввердим. Бир сафар анча муддат ўтиб кўришдик, қизим узоқдан “Аяжон!” деб қувонч билан ёнимга келди-ю... “Яна сепдингизми?” деб тўхтаб қолди. Уша ердаги дарахтга суняди, қарасам, ранги ҳам оқариб кетгандек. Ушандан кейин севимли атиримни шкаф тоқчасининг бир чеккасига суриб, фойдаланмай қўйдим.



УЗЛУКСИЗ МАЪНАВИЙ ТАРБИЯ КОНЦЕПЦИЯСИНING БИРИНЧИ БОСҚИЧИДА “ТАРБИЯ УЧУН МАСЪУЛЛАР СИФАТИДА ОТА-ОНА, ТАРБИЯЧИ, ЎҚИТУВЧИ, УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ВА ЖАМОАТЧИЛИКНИНГ ЎЗАРО САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИГИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА АМАЛГА ОШИРИШ ВАЗИФАСИ” ҚЎЙИЛГАН.

Сал ўтмай қизим фарзандли бўлди, учинчи қизча дунёга келди. Шундан кейин... қизим бир куни шкафимдан ҳалиги атирни топиб олибди. “Аяжон, мана бу атирнинг ҳиди мунча ёқимли”, деб кўтариб чиқди. Мен кўлдим, қаранг, ҳомиладорлиқнинг ўзига хос сир-синоати-да — энди унга атирнинг ҳиди жуда ёқиб турибди!

Айтмоқчи бўлган гапим бутунлай бошқа: қизимнинг чақалоғи оилар сайин атрофидагиларни таниб, уларга қулиб талпинадиган бўлди. Фақат мени кўрганда бирдан хурпайиб, онасига маҳкам ёпишиб оларди. Нарса узатсам, тесқари қарайди, уни мажбуран қўлимга олиб кўтармоқчи бўлсам, юзларимни тимда-лаб ташлайди. Бир-бир ярим ёшга кирди, ҳеч ўзгармайди. Бошқа набираларим мени кўрган заҳоти югуриб келишади, кучогимни, елкамни, кўларимни талашишади, фақат шу қизгина мени ёқтирмайди. Қизим: “Аяжон, ҳомиладорлик пайтимда сизнинг атирингиздан кўнглим беҳузур бўлгани, унинг ҳидидан ёмон қийналганимни набирангиз қорнимда туриб билганмикан?” дейди. Мен ўзим ҳам шундаймикан, деб ўйладим. Бошқаларга ибрат бўлсин, деган мақсадда ёздим”.

Тасаввур қилинг: ҳамма билан бир дас-турхонда бинойидек овқатланиб ўйнаб-қулиб юрган келин ҳомиладор бўлди-ю, тансиқ мева егиси келиб қолди, кўпроқ ухлайди, қай бир ҳиллардан беҳаловат бўлади... Билингки, бу — унинг эрка-тантқиқидан эмас, вужудиди уйғонган зурриёдингизнинг талаби, соғлом улғайиш учун эътиёжидан. Аини мавзуда гап кетса, кўпчилик бу фикрни тасдиқлайди. Аммо амалда... Туманлардан бирда оила-си бузилган ёш келин гапириб берди: Тўрт ойлик ҳомилам бор эди. Қайнонам томорқадаги ёмғирдан кейин ивиб ётган маккалояни йиғиштириб, боғлаб, томга босиб қўйишни буюрдилар. Дам олиш куни эди, телевизор кўриб ўтирган эримга: “Юринг, бирга...”, деганимни биламан, қайнонам: “Ўғлим ўзи бир кунгина дам олади”, деб ўғилларига “ўтир” ишорасини қилдилар. Ўзим ҳамма маккани ўрдим, йиғдим, нарвондан томга ташидим. Эртасига эрталаб ҳовли лой бўлгани учун икки яшар қизимни кўтариб ташқарига олиб чиқаётганим, белимда қаттиқ оғриқ турди... ҳомилам тушиб қолди”...

Бу каби бемехриқлардан бўлажак онанинг дили оғриб, асаблари таранглашиб ёки бўшашиб, аини ҳолати унинг соғлиғига таъсир этса, демакки, бу асорат ҳомиларни ҳам четлаб ўтмайди. Жамиятимизнинг аччиқ муаммоларидан бўлган оилавий ажримларнинг сабаблари орасида қайнона-келин, қайнопаю қайнисигилларнинг келишмовчиликлари ҳам салмоқли ўрин тутди. Бу борада кўпчилик қувё-эрларнинг икки томонни тенг тарози қилиб келиштириб яшаш қобилиятидан мосуво эканлиғи — алоҳида қатта мавзу. Ажабланирлиси, бошидан ҳомиладорлиқни кечирган бўлса-да, айрим қайнонаю қайнопа-лар, овиинларнинг ҳомиладор келинини аҳолини библиб туриб билмаслиқка, тушу-ниқ туриб тушунамслиқка олишлари, юмшоқ қилиб айтганда, инсонийликдан эмас. Бундай шароитда келиннинг ўзигина эмас, унинг бағрида онаси билан бир жон-бир тан бўлиб ётган ҳомиласи ҳам ғам, изтироб, руҳий қийинчиликларга шерик бўлади. Мутахассислар илмий кузатишлар даврида ҳомиладор аёлнинг олдига ширинсўз, меҳрибон одам келса, ҳомиланнинг яйраб, осойишта ҳаракат-да бўлганини ва аксинча, онани ранжитадиган одамнинг овози эшитилган заҳоти нотинч бўлиб асабийлашганини кузатишган, демак, ҳомила овозларни фарқлашни билади,

танийди. Шундай бўлган, ҳомиладор келинидан оилаб норози бўладиган, уни тинмай уришадиган, жеркийдиган қайноналар кейинчалик набираларидан ўзлари истагандек меҳр-оқибат кўрмасалар... Худо сақласин! Зурриёдларингиз қадрли, эъзозли бўлиш, аввало, ўзинг уларни қадрлаб, эъзозлашингдан бошланаркан-да!

Кейинги пайтда ҳали бир ёшгаям тўлмаган, ҳатто 2-3 ойлик гўдақлар орасида бош мианинг ички босими билан оғриганлар сони кўпайди. Кимлар кичкинагина боласининг тажанилғи, қайсарлиғи, йиғлоқчилиғи, гапуқ-маслиғи, тили жуда кеч чиқаётгани, сўзларни тиник талаффуз ётолмаётганидан нолийди. Бу ҳолатлар атрофдагиларни ўйлантиради, асабини эғовлайди, ҳатто жаҳлини чиқаради. Аслида, аини қўсурлардан ҳаммадан кўра кўпроқ боланинг ўзи қийналади, шу қўсурлари туфайли тенгдошлари билан чиройли мулоқот қилолмайди, ўз қобилиятларини намоён ётолмайди, ақлий-маънавий ривожланишдан орқада қолади. Бу муаммоларнинг илдизини, аввало, оилавий муҳитдан излаш керак, мутахассисларнинг фикри ҳам шундай. Аксариятимиз кўпична ёғнинамизда улғайиб келаётган жигарбандимизнинг ҳис этиш, мушоҳада этиб, ҳулоса чиқариш қобилиятларига деярли эътиборсизмиз. Она қорнидаги болани-ку, қўяверинг.

...Ёсдалик дафтаримда қайд этилган сана бўйича мана бу воқеа юз берганда қизчам икки ярим ёшда экан: бир куни айтганимни қилмагани учун қаттиқ уришдим, у ерга қараганча жим туравверди. Шу пайт кўзим тўғридаги тоқчада терилган кўғирчоқларга тушди-ю, қизчамни аяям изза қиломқичи бўлиб: “Ана, кичкинагина кўғирчоқлар ҳам сен қилган ишни қилмайдми”, дедим. Қизим, таъба, анчадан буюн айтолмаётган дардини тўқиб солишга имкон туғилган каби шартта: “Кўғирчоқларнинг аяси боласини ташлаб ишга кетиб қолмайдми”, деди... Қўзим очилгандек бўлди, ҳиз ҳатто кап-катта боламиз ҳақида ҳам “қоронни тўйдириб қўйсам, бўлди” деган ҳаёлда юрарканмиз. Аслида, уларнинг қалиб биз ўйлагандан а-а-анча олдин меҳрли, англовчи, тингловчи, тушунувчи, қўзларига термилувчи қалбимизни излаб бошларкан.

Дунёга янги келган чақалоқ онанинг оғиз сугига тўйса, илғиги тўқ, жисмонан бақувват бўлади. Аини шу давр атрофида, яъни она қорнидалигидан бошлаб ёруғ оламга кўз очиб, илк қадами, илк сўзлари, илк машғулот-ўйинлари атрофидагиларнинг меҳр-муҳаббати билан рағбатлантирилган, қўллаб-қувватланса, маънавияти тўқ мағизли, бағри бутун, ўзига ишончи мустаҳкам, илму маърифатга ошно шахс бўлиб камол топади.

Узлуксиз маънавий тарбия концепциясининг биринчи босқичида “тарбия учун масъуллар сифатида ота-она, тарбиячи, ўқитувчи, узлуксиз таълим муассасалари ва жамоатчиликнинг ўзаро самарали ҳамкорлигини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш вазифаси” қўйилган. Ҳукуматимиз томонидан жуда катта ҳаракат ва ҳаражатлар тикиб бошланган бу хайрли, кўтлуг ўшлар қутилган натижалар бериши учун маҳалла фаоллари ҳам алоҳида жонқурлик, принципаллиқ кўрсатишлари, яъни қайнонаю келинларни машийи, майда-чуйда ҳою ҳаваслар, шахсий қизиқишу хоҳишлари “етаги”да эмас, аввало, ўз шажараси ва миллатнинг ҳар жиҳатдан соғлом янги вакилларини тарбиялаш, вояга етказиш орузси, ҳаракатида яшасалар, шу меҳнатларининг ширин меваларидан биргаликда баҳраманд бўлишдан зарурли бахт борми?

Мутахассис тавсияси

Шониез ҚУРБОНОВ,
Қарши давлат университети профессори,
биология фанлари доктори

Абдулазиз ҚУРБОНОВ,
биология фанлари номзоди,
доцент

Бутун дунёга тарқалиб, кишиларнинг сихат-саломатлиғи, иқтисодий-ижтимоий ҳолатига салбий таъсир қилаётган коронавирус хасталигини жилавлаш йўлида барча давлат, жумладан, Ўзбекистонда ҳам тегишли чора-тадбирлар кўрилмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг эътироф этишича, инсоният сихат-саломатлиғи жуда кўп жиҳатдан овқатланиш омили билан белгиланади.



ТАРТИБЛИ ТАОМЛАНИШ — КОРОНАВИРУС ДАВОСИ

Шундай экан, коронавирус пандемияси даврида ҳам баъзи озиқ-овқатни истеъмол қилиш, айримларидан тийилиш керак. Бир сўз билан айтганда, қандай овқатланиш лозимлигини билиш ушбу дардни жилавлашда ёрдам бериши мумкин. Қайд этиш жоизки, ҳозирга қадар коронавирусни тўғридан-тўғри жилавлайдиган озиқ моддалар топишган эмас. Лекин айрим озиқ-овқат маҳсулотларининг организм иммун тизимини қучайтириш йўли билан ушбу вирусларни қисман бўлса-да жилавлатиш эҳтимолдан узоқ эмас. Саримсоқ ва пиёзнинг тумов, шамоллаш ва гриппга қарши яхши восита экани азалдан маълум. Уларни барра ҳолда истеъмол қилиб туриш лозим. Таркибида аллицин деган модда бўлиб, саримсоқ ва пиёз эзилса ёки кесилса, бактерия ва микробларни ўлдирадиган органик бирикмага айланади. Аллицин табиий антибиотик ҳисобланади. Шунинг учун улар чайнаб ёки майда кесиб истеъмол қилинади. Бундан ташқари, онанинг уч-тўрт жойига кесилган саримсоқ ёки пиёз қўйилса ҳам ҳаводаги касаллик тарқатувчи микроб ва бактерияларнинг қамайишига сабаб бўлади.

Бу борада лимон ҳам анча шифобахш мева. Унинг витаминларга бой маҳсулот экани маълум, лекин лимон нордон бўлишига қарамай, истеъмол қилинганида организмда ишқорилиқни қучайтириб, кўзга кўринмас касаллик тарқатувчиларга тўқинчилик қилади. Лимонни кўпчилик қайноқ чой ёки кофе билан (шакар қўшиб) истеъмол қилади. Аксарият ҳолларда пўстини ажратиб ташлайди. Аслида унинг барча фойдалари хусусияти айнан сўстида. Шунинг учун лимон бўлақларини чой ёки кофега солиб ичишдан кўра устига бироз асал сўртиб пўсти билан чайнаб еган маъқул. Шунда фойдаси кўпроқ бўлади. Кўп ҳолларда тумов ва гриппни ҳам шу йўл билан даволаш мумкин.

Навбатдаги фойдали маҳсулот — занжабил. Унинг илдизиди гингерол моддаси бўлиб, у танани иситида ва унга кирган микроб ҳамда вирусларни ўлдиради. Занжабилда турфа витамин ҳамда микроэлементлар мўл. Шу боис, у танадаги метаболик жараёнларни жадаллаштиради.

Қурулма ҳам табиий антибиотиклардан бири бўлиб, қадимдан ҳиндларда овқатга таъм берувчи модда сифатида ишлатиб келинган. У яллиғланиш ҳолатларини бартараф қилади. Унинг турли-туман таомларга таъм берувчи сифатида қўшиб истеъмол қилиниши ошқозон-ичакларнинг иммун тизимини рағбатлантиради ва шу йўл билан вируслар тарқатладиган хавфли юқумли касалликлардан ҳимоя қилади.

Танамиздаги иммун тизимининг саксон фоизи ошқозон-ичак тизимида шаклланади. Шунинг учун занжабил, қурулма сингари қўшимча маҳсулотларни таомлар билан истеъмол қилиб туриш коронавирус пандемияси даврида зарур. Тўғри овқатланиш қоидаларига мувофиқ,

истеъмол қилинадиган таомлар таркибида биз учун зарур бўлган қувват берувчи ҳамда ҳужайра ва тўқималарнинг янгиланиб туриши учун зарур асосий озиқ моддалар — оқсил, ёғ, углевод ҳамда танадаги барча физиологик, биокимёвий жараёнларнинг кечishi учун керакли қўшимча озиқ моддалар мавжуд бўлиши керак. Юқумли касалликлар кўпайганида қўй, мол, парранда, балик гўшти ҳамда сут-қатик маҳсулотлари истеъмолни қўлайитириш лозим.

Асосий озиқ моддалардан углеводларга ҳам коронавирус пандемияси даврида алоҳида эътибор бериш лозим. Улар вужудга тез ва осон қувват берувчи манба бўлиб хизмат қилишдан ташқари ошқозон-ичакларнинг ишини фаоллаштиради. Энг муҳими, турли сабзавот ва мевалар таркибида иммун тизими шаклланиши учун витаминлар сероб бўлади. Ҳар куни олинадиган углеводлар қалмида 400–500 грамм мева (олма, цитрус мевалар, узум, анор, хурмо, олхўри, олча, зардолли ва бошқалар), полиз маҳсулотлари (бодринг, помидор, қовун, тарвуз, қарам, лавлаги ва бошқалар) ҳамда сўлимаган қўқатлар (шивит, кашнич, кўкпиёз ва бошқалар)дан иборат бўлиши ошқозон-ичакларда иммун тизим асоси бўлган микрофлоранинг доимий ҳаётчанлигини таъминлайди.

Пандемия даврида сут-қатик маҳсулотларини истеъмол қилиб туриш ошқозон-ичакларда иммун тизимининг барқарорлиғига ёрдам беради. Ҳусусан, сигир сўтидан тайёрланган қатикдан кечки соат 21 лар атрофида бир пиёла ичиш иммун тизими фаолиятини яхшилашга хизмат қилади. Француз олимларининг аниқлашича, коронавирус туфайли хасталаниш аҳолининг нима еб-ичишига бевосита боғлиқ. Масалан, Туркия ва Туркменистонда туя ва қўй сўтидан тайёрланган айрон,

Ҳар куни олинадиган углеводлар қалмида 400–500 грамм мева (олма, цитрус мевалар, узум, анор, хурмо, олхўри, олча, зардолли ва бошқалар), полиз маҳсулотлари (бодринг, помидор, қовун, тарвуз, қарам, лавлаги ва бошқалар) ҳамда сўлимаган қўқатлар (шивит, кашнич, кўкпиёз ва бошқалар) дан иборат бўлиши ошқозон-ичакларда иммун тизим асоси бўлган микрофлоранинг доимий ҳаётчанлигини таъминлайди.



сарган, шубатлар коронавирусдан зарарланишни бундай маҳсулотлар истеъмол қилмайдиган қўшни халқларга нисбатан анча қамайтиради. Жанубий Корея, Германия аҳолиси тузланган қарам еб тургани боис коронавирусдан яхши ҳимояланар экан. Чўнки мақкур маҳсулотлар ва қатик, йогурт, айрон организмда ҳимоя гови ҳосил қилади.

Нотўғри овқатланиш туфайли ушбу касаллик кенг тарқалиши, организмни буткул ўзига қарам қилиб олиши ва қайтарилмас оқибатларга олиб келиши назарий ва амалий жиҳатдан исботланган.

Дудланган, маринадланган ва рафинадланган маҳсулотлар ҳамда алкоғолли ичимликлар организмда касалликланиш даражасини қучайтиради ва иммун тизимини сусайтириб юборади.

Тез тайёрланадиган ва ярим-фабрикат маҳсулотлар (фастфуд, қовурилган картошка, ҳар хил гамбургерлар) юқори ҳароратда тайёрланиб, ўзидagi бор витамин ва бошқа биологик моддаларни йўқолтади. Ушбу егуликлар қовурилдиган ёғ қайта-қайта ишлатилиши натижасида трансёғларга айланиб, канцероген хусусиятга эга бўлади. Шунинг учун бундай ёғ қўпгина давлатларда озиқ модда сифатида ишлатилимайди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти трансёғларни 2023 йилдан бошлаб барча давлатдаги халқлар таомномасидан чиқариб ташлашни режалаштирмоқда.

Олиб борилган эпидемиологик тадқиқотлар шакар ва туз белгиланган меъёрдан кўп истеъмол қилинганида организмнинг иммун тизими сезиларли даражада сусайиб кетишини кўрсатмоқда. Шу боис, коронавирус ва шунга ўхшаш хавфли ҳамда юқумли хасталикларни жилавлашда истеъмол қилинадиган туз миқдори бир кунда еб-ичишига бевосита боғлиқ. Масалан, Туркия ва Туркменистонда туя ва қўй сўтидан тайёрланган айрон,

Коронавирус пандемияси даврида амал қилинадиган карантин талаблари одамлардан кўпроқ уйда бўлишни талаб қилади. Бу, бир томондан, кам ҳаракатлиликни юзага келтиради ва унинг оқибатида жисмоний фаолиятта нисбатан истеъмол қилинадиган кўнглик таомларнинг умумий қуввати юқори бўлади. Ҳаракат бўлмаганидан кейин ортиқча энергия ёғга айланиб, тана вазни оша бошлайди. Иккинчидан, куни билан уйда бўлиш билан-билмасдан тез-тез совиткичи очиб қарашга, ундаги егуликлардан татиб қўришга ундайди. Бу ҳам вазнини ошишга туртки бўлади. Ортиқча вазн масалани коронавирус фойдасига ҳал қилади. Шунинг учун бу даврда кам калорияли таомларни истеъмол қилиш билан умумий қувватнинг қерағидан ошиб кетмаслиғига эришиш пандемия ва унинг асоратларини жилавлашга қаратилган муҳим тадбирлардан ҳисобланади.